

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси

Ижтимоий-иқтисодий факультети 5-45 гуруҳ талабаси

Юлдашев Сарварнинг

**5141500- Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзган**

«Ўзбекистонда давлат бошқарувнинг ҳуқуқий асослари»

мавзусидаги

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ



**Иш кўрилди ва ҳимоя
қилишга рухсат берилди
кафедра мудири ф.ф.н
доцент С. Исмоилов.
«__» _____ 2014 й.**

**Илмий раҳбар: катта ўқитувчи
_____ С. Дониёров..**

Гулистон-2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-6
1-боб. Конституциямиз –давлатимизнинг ҳуқуқий асоси сифатида.....	7-38
1.1. Конституциямизнинг ўзбек давлатчилигида тутган ўрни ва аҳамияти....	7-17
1.2. Давлат бошқарувида ҳокимият органларининг функционал моҳияти...	18-37
1-бобга доир хулосалар.....	38
2-боб. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари.....	39-69
2.1. Ўзбекистонда Президент бошқарувининг ҳуқуқий асослари.....	39-52
2.2. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг асосий тамойиллари.....	53-68
2-бобга доир хулосалар.....	69
Хулоса.....	70-71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	72-74

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, биз мустақиликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимиз келажагини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилашда, мулк ва мулкый муносабатлар ҳақидаги принципиал масалаларни ҳал қилишда иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида давлат бошқарувининг конституциявий ҳуқуқий асосларини очиб беришни ўз олдимизга устувор вазифалардан бири қилиб қўйганмиз. Ўтган 22 йил ичида мамлакатимизда бир қатор ислохотлар ўтказилиб, маълум марраларга эришдик. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан сўзланган нутқ ва маърузаларида акс эттирилмоқда. Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилмасдан, ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бемасдан, зарур имконият, имтиёз яратмасдан туриб, давлатимизнинг келажагини таъминлай олмасдик. Ислохотларни босқичма-босқич ўтказиб, бугунги кунда давлат бошқарувининг конституциявий ҳуқуқий асосларини барпо этишда, кучли демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш вазифаси турибди Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш каби ишларни изчил давом эттириш давлат бошқарувининг конституциявий ҳуқуқий асосларини барпо этишнинг зарур шартидир. Агар биз иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, давлат бошқарувининг конституциявий ҳуқуқий асосларини барпо этиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш керакки, давлат бошқарувининг конституциявий ҳуқуқий асосларини ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамиша долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаверади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув-малакавий ишнинг асосий мақсади мамлакатимизда давлат бошқарувининг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларини кўрсатишдан иборат бўлиб, ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устувор мақсад-вазифалари концепцияси ҳамда инсон омили ва мезонларини очиб бериш;

- И.А.Каримов асарларида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш муаммоларининг акс эттирилишини таҳлил қилиш;

- мамлакатни жадал ислоҳ этишда давлат бошқарувининг моҳияти, тамойиллари ва асосий йўналишлари ҳақида тушунча бериш;

- 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаларини очиб бериш.

Ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти. Ишдаги асосий янгилик шу бўлдики, унда сўнгги йилларда Президентимиз томонидан сўзланган нутқ ва маърузаларида мамлакатимизда давлат бошқаруви борасида эришган ютуқларимиз ва ҳал қилишниши лозим бўлган вазифаларга доир асосий кўрсатмалар ва қоидалар акс эттирилди. Ишдан Давлат ва ҳуқуқ назарияси, Социология, Ўзбекистон тарихи, иқтисодиёт назарияси фанларини ўқитиш ва ўрганишда, шунингдек аҳоли орасида ташвиқот тарғибот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув-малакавий иш Кириш, адабиётлар таҳлил, танланган объектлар ва тадқиқот методлари, асосий қисмдаги 2-та боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Адабиётлар таҳлили

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги модернизациялаш жараёнлари янгидан-янги муаммоларни ўртага ташламоқда. Ўзига хос бўлган долзарб муаммони ёритиш жараёнида Президентимиз И.А.Каримовнинг жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, демократлаштириш давридаги таълимотига бағишланган асарларидан фойдаландик. Булар қаторига «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» ва бошқа асарларни киритиш мумкин. Шунингдек, сўнгги йилларда чоп этилган “Мамлакатимизни модернизациялаш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”, “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” ва бошқа нутқ ва маърузалари муҳим аҳамият тутайди. Бу асарлар ўзининг мазмун-моҳияти билан И.А.Каримов қарашларининг нечоғли илмий асосланганлиги, назарий пишиқлиги ва амалий жиҳатдан зарурий эканлигини кўриш мумкин. БМИ мавзусини ўрганиш ва ёритиш борасида қирқдан зиёд адабиётдан фойдаланган бўлсак, мазкур асарлар янги тарихий шароитларда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг янгича талқини сифатида дастур вазифасини ўтайди. Уларнинг илмий, назарий, сиёсий, иқтисодий соҳадаги қиймати, жамият ва давлат тараққиётида ўз аксини топаётганлиги маълумдир

Мавзуни ёритишда Л.Левитиннинг “Ўзбекистон тарихий буроилиш палласида”, А.Саидовнинг “Фуқаролик жамияти ва сиёсий ислохотлар”, М.Шарифхўжаевнинг “Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар” каби асарлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини ёритиб беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш ва модернизациялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари бир қатор Интернет ресурсларида жойлаштирилган мақолаларда ҳам мавжуд.

Танланган объектлар ва тадқиқот методлари

Битирув-малакавий ишимизнинг асосий объекти мамлакатимизни давлат бошқарувининг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари бўлиб, бу борада Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларни кўрсатиш, мамлакатни ислоҳ этиш йўналишлари ва вазифалари таҳлил қилинди. Ишни ёзишда умумлаштириш, таҳлил қилиш, солиштириш методларидан фойдаландик.

1-боб. Конституциямиз – давлатимизнинг ҳуқуқий асоси сифатида

1.1. Конституциямизнинг ўзбек давлатчилигида тутган ўрни ва аҳамияти.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий кафолатларини ўзида мустаҳкамлаган. Конституция инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодаладиган демократия, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қуриш йўлларининг истиқболларини белгилаб берган.

Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган +омусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирган. Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.¹

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясини А+Ш, Буюк Британия, Франция давлатлари, БМТ каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг олимлари юқори баҳоладилар. Чунки Асосий қонунни яратишда ҳам бой миллий-тарихий, ҳуқуқий меросимизга таянилган ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган қоидаларига ва илғор демократик давлатларнинг конституциявий тажрибасига асосланган. Ўзбекистон Конституцияси – жаҳон сиёсий харитасида янги суверен давлат – Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётганини кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Ўзбекистон Конституцияси ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий асоси сифатида бир қатор хусусиятларга эга.

Биринчидан, Конституция истиқлолга эришган янги мустақил давлатнинг асосий +омусидир. У ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, мафкураси, ғоясига кўра янги ҳуқуқий ҳужжат. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, бир партиянинг ҳукмронлиги каби иллатлар йўқ, жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ва муқаддаси – инсон деган ғоя мустаҳкамланган. Шу асосда «фуқаро-жамиyat-давлат» ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими берилган.

Иккинчидан, Конституцияда фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-

¹ Қаранг: Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати.- Т., 1993. 21 б.

қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Конституциянинг 2-моддасида «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар», - дейилган.¹

Учинчидан, Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллати, диний эътиқод ива бошқа хусусиятларидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эга. Конституция Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча шахслар, уларнинг миллати, элати, тили, урф-одати ва миллий анъаналаридан қатъи назар ҳурмат қилинишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Тўртинчидан, фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким суднинг қарорисиз улардан маҳрум этилиши ёки чекланиши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Бешинчидан, Асосий +онунда ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлмиш Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминлаш мустаҳкаланган. Бу бир томондан, барча жорий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлишини, иккинчи томондан эса, қонун олдида ҳамманинг баробарлигини англатади. Бирор-бир фуқаро давлат идораси, жамоат бирлашмаси, мансабдор шахс қонунга бўйсунмиш мажбуриятидан холи бўлиши мумкин эмас.

Олтинчидан, Конституцияда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглиги таъминланган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниш, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши мустаҳкамланган. Чунки, мақсад ўл мулкига ўзи хўйжайин бўлган тадбиркорлар ва шахслар учун иқтисодий фаолият эркинлиги бериш, ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очишдир.

Еттинчидан, Конституцияга мувофиқ, давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга сиёсий ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.:Ўзбекистон, 2012, 5-бет

ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратиб беради, кўппартиявийлик ва фикрлар турли-туманлигининг қонуний асосларини яратади.

Саккизинчидан, ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқоднинг ҳуқуқий мезонлари берилган. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динига амал қилиш ёки Бирон-бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Тўққизинчидан, Конституцияда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларининг тақсимланиши принципига асосланган ҳолда амалга оширилиши мустаҳкамланган. +онун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – ўзбек давлатининг учта асосий таянчидир.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг кўпгина асарларида давлат ва ҳуқуқ масалаларига катта эътибор бериб ўтади. Жумладан, “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”,-деб номланувчи асарида: “Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояларни шиор қилиб олиб, бу назарияни догма, давлат ва ҳуқуқни эса синфий қураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мудора билан бартараф этиш воситасига айланади”¹, деб таъкидлаб ўтган.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов “Давлат тушунчаси, унинг маъно-моҳияти тубдан ўзгарди. У ислоҳотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди. Давлат бозор иқтисодий муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга оширмоқда”² дейди. Шунингдек, “ислоҳотларнинг дастлабки босқичида давлатнинг фаол роли асосий ваколатлари, энг аввало, ижро этувчи ҳокимиятнинг ихтиёрида бўлишини тақазо этади. ...Шу билан бирга, ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини мустаҳкамлаш учун жамиятнинг сиёсий институтлари тизимида давлатнинг ролини янада аниқроқ белгилаш керак. Бу энг

¹ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20

² И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.107.

аввало, миллий хавфсизлик асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг барқарорлигини қатъий сиёсий ва иқтисодий тараққиётини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этмоқда”¹, деб кўрсатади.

“Ҳуқуқий демократия қарор топар экан, унда республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилади.”²

"Мустақил Ўзбекистон ўз халқи танлаб олган йўл-очик эркин бозор иқтисодиётига асосланадиган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма босқич олға бормоқда. Биз барпо этаётган давлат, аввало умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида тараққий этган бошқа халқлар эришган тажрибаларга ва ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга асосланмоқда.”³

“Маълумки, биз ҳам иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлатимизни демократик давлат даражасига кўтариш, тараққий топган мамлакатлар ва халқларнинг ҳаёт даражасига етказиб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.”⁴

“Биз ўз давлатимизни қураётган эканмиз, қуйидаги тамойилларга асосланамиз. Биринчи тамойил-аждодларимизнинг қадимий маданиятидаги барча улуғвор қадриятларни тиклаш. Иккинчиси-буюк меросимизни жаҳон цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш. Учинчиси-Ўзбекистон улкан ресурсларга эга. Фақат минерал-хомашё, фақат пахта эмас, фақат олтин ёки бошқа нарсалар эмас, яъни республика эга бўлган тўртинчи ресурс-улкан интеллектуал ресурсдан иборат”.⁵

Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституцион асосга эга. Бу йўл Ўзбекистондаги барча аҳоли манфаатларига ҳар жиҳатдан мос тушади.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.159-161.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15.

³ И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. "Ўзбекистон" 1995 йил 3- бет.

⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б.249

⁵ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -Б.286-290.

Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечириши учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятнинг қайта тикланишини таъминлайди.

“Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчилиқни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслиқ мумкин эмас”¹.

“Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак”².

Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан ҳуқуқий демократик давлатни қуриш учун илм-фанни ривожлантириш, уларнинг хулосаларидан унумли фойдаланиш ва амалиётга жорий қилиш, таълим соҳасини мукаммаллаштириш ва илғор техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда комил инсонларни шакллантириш лозим, деган хулосага келиш мумкин.

"Пировард Мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат"³.

Президентимиз И.А.Каримов асарларини, маърузаларида, нутқларида миллий давлатчилигимизнинг ривожланишига тўсиқ бўлган асосий омиллар, уни бартараф этиш йўллари ва ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги асосий ғояларни, йўналишларни кўрсатиб ўтган. У Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари асарида: “Ҳозир биз бу йиллар мабойнида миллий давлатчиликка пойдевор қўйилганлигини ишонч билан айта оламиз. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унга мос бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топтирилди. сиёсий ва иқтисодий бошқариш ҳамда тартибга солишнинг кўпгина тузилмалари ва органлари тугатилди. Улар маъмурий

¹ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.260.

² И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.261.

³ И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. "Ўзбекистон" 1995 йил 9- бет.

буйруқбозлик тизимининг, марказлаштирилган «режалаш-тақсимлаш» иқтисодиётининг устунлари эди. Улар демократик кадриятлар ва тамойилларга йўналтирилган янги давлатчиликнинг қарор топиши ва эркин бозор иқтисодиётининг пойдеворларини яратиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб келди.

1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим кадам бўлди. Ўзининг Асосий қонунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлаб қўймаган давлат чинакам суверен давлат бўла олмайди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.

Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузимдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципага асосланган тизими яратилди,¹ деб кўрсатиб ўтган. Албатта ҳар бир давлат ҳуқуқий ва демократик тарзда шаклланиши учун ушбу ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига амал қилиши лозим. “Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси,-дейди Президентимиз И.А.Каримов, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминланишидир”². Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов ушбу фикрни давом эттириб “қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди”³, дейди.

Шунингдек, “давлатнинг моҳияти бутунлай, тубдан ўзгарди. Давлат дастлабки босқичда жамиятни янгилашнинг энг фаол кучига айлангани ҳолда, ислохотларнинг

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсақасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.155.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.125.

³ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.44-46.

бош ташаббускори ва йўналтирувчиси, ижтимоий ҳаётдаги янги ғояларнинг асосий амалга оширувчиси бўлиб қолди.

Янги ўзбек давлатчилигини қарор топтиришнинг биринчи босқичидаги вазифалар бажарилиши Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ортиши ва мустаҳкамланишида, жаҳон ҳамжамиятидаги кўплаб мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда ва ривожлантиришда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон мустақил, суверен давлат сифатида энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди”¹.

Албатта ҳар бир давлат ўзи якка ҳолда, бошқа давлатлар билан алоқасиз ривожлана олмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ва ўзаро манфаатли алоқани йўлга қўйишга киришди.

Маълумки, жаҳонда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар давлатга ҳам таъсир этмай қолмайди. “Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб ўтирмасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шунчалар тиғиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.”, шунинг учун жаҳонда юз бераётган ҳар бир воқеага ўз вақтида тегишли муносабат билдириш ва ундан хулоса чиқариш лозим. Ушбу хулосалар бошқалар томонидан қилинган хатони бизнинг давлатимиз томонидан такрорламаслик учун ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ислохотлар-мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга ошириш- бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб бериш ва

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсақасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.158.

натижада демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилмоқда. “Демократиянинг асл моҳияти-инсон қадр-қиммати, ҳурмати ҳамма нарсадан улуғ, деган ақидадан иборат бўлмоғи лозим”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият курмоқчимиз. Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик кадриятларни вужудга келтириш-бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир”, деган ғояни илгари сурган. “Мамлакатимизда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект-давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади.”

Шунингдек, И.А.Каримов демократик жамиятнинг тамойилларини ҳам кўрсатиб ўтган. У бу ҳақда шундай дейди: “Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсида эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради”².

“Демократик жамият - бу энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинаккам демократиянинг олий мазмуни эса шахслараро, миллатлараро ,давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди”³.

“Айни пайтда фуқаролик жамияти албатта ҳуқуқнинг олий даражадаги ривожини тақазо этади. Ўз навбатида бундан, ҳозирги замон фуқаролик жамияти

¹ И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.148.

² И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.8.

³ И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Т.: Ўзбекистон 1995 262-бет.

ҳуқуқий жамият бўлади, деган хулоса келиб чиқади. Лекин республикамиздаги катта ҳуқуқий ўзгаришлар, ҳуқуқий ислохотлардаги ютуқларни қайд этган ҳолда ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришнинг кейинги истиқболларини белгилаш ҳамда унинг устувор йўналишини аниқлаш ҳам муҳимдир”¹.

“Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.”².

Президентимиз ўз асарларида, маърузаларида фуқаролик жамияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтади. У Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари номли асарида “Биз учун фуқаролик жамияти-ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”³, дейди.

Шунингдек, И.А.Каримов Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз номли асарида “Фуқаролик жамияти бу-ўзини-ўзи бошқаришдир. Унинг биринчи ва асосий тамойили шу.”, “ўзини ўзи бошқариш органлари-бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамияти қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади”⁴, деган ғояларни илгари суради.

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси./ Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. –Б.46.

² И.А.Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.20.

³ И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.173.

⁴ И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.317-322.

“Маърифатли дунёда “фуқаролар давлати” деб гапирилмайди. “Фуқаролар жамияти” дейилади. Давлат бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг кадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташкилотлари тизимига киради.

Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз-бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат”¹, дейди.

Юқорида биз Президентимиз И.А.Каримовнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиб чиқдик. Улардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Давлат қурилиши соҳасида қуйидагилар асосий вазифалар ва тамойиллар бўлиб ҳисобланади:

- Давлат ислохотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий куч бўлиши;
- Давлат бозор иқтисодий муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш;
- давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтириш учун ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бериш;
- аجدодларимизнинг қадимий маданиятидаги барча улуғвор қадриятларни тиклаш;
- буюк меросимизни жаҳон цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш;
- қонунлар ва анъаналарни ҳурмат қилиш;
- Бошқа давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириш.

¹ И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.80.

Демократик-фуқаролик жамият эса қуйидагиларга асосланиши лозим:

- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни амалга ошириши;
- озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi;
- барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги;
- давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши;
- тайинлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.

Шундай қилиб Президентимизнинг нутқларда давлат бошқарувида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий асосларини деярли барча жабҳалари кўрсатиб берилганлигига гувоҳи бўлдик.

1.2. Давлат бошқарувида ҳокимият органларининг функционал моҳияти.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, ҳуқуқ ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир¹. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг жамиятдаги вазифаларини (ролини) белгилаш мумкин. *Унинг биринчи вазифаси ижтимоий тартиб интизомни ўрнатиш бўлиб ҳисобланади.* Албатта жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда, қарор топтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жумладан, суд ҳокимиятининг ўрни бекиёсдир. “Суд ҳокимияти мустақил ҳокимият. қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш-суд ҳокимиятининг олий бурчидир”². -деб таъкидлаб ўтган эди И.А.Каримов. Шунингдек, “...фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол-Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор!”³. “Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатоғон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда”⁴.

“Бугун бизнинг ҳуқуқий докторинамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош

¹ Қаранг: И.А.Каримов. Ватан саждагош каби му=аддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий исти=лол, и=тисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15-16.

³ И.А.Каримов. Ватан саждагош каби му=аддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.17-18.

⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо= керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.29.

субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлигига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади”¹.

Шунингдек, И.А.Каримов фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда суднинг аҳамиятига тўхталиб, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим”². деган эди. Ушбу билдирилиб ўтган фикр Конституциямизнинг 26-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Маълумки, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишда ва ҳимоя қилинишида, жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда суднинг роли беқиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Ҳозирги кунда Республикамизда суд ҳокимиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Булар жумласига, биринчидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлса, иккинчидан Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонунини (янги таҳрири) киритиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов “Биз қонунга бўйсиниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади”³. деган гапларни айтиб ўтган эди. Албатта, давлатда қонун устувор бўлса, унга ҳамма амал қилса, унинг талаблари сўзсиз бажарилса жамиятнинг салбий ҳолатлари бўлган ҳуқуқбузарлик ҳам, жиноятчилик ҳам камайган бўлар эди. Шу ўринда, Президентимиз И.А.Каримовнинг “...қонун устуворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!”⁴. деган гаплари ёдга тушади.

“қонунни ҳимоя қилиш суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича иш олиб боришдан иборат.

¹ Ўша асар. –Б.35.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истилол, итисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.125-126.

³ И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

⁴ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан олинсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.312.

Биз мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етсак, ўшанда жамиятимизда жиноятчилар сони ҳам, эҳтимол, бу соҳада ишловчи ходимларнинг сони ҳам кескин камаяди”¹.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш учун, аввало, фуқароларнинг ўзи маъсулдир, яъни улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўлаётган ҳар бир воқеага ва қабул қилинаётган қонунларга ўз муносабатини билдириб бориши лозим. Зеро, фуқароларимиз юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлсагина ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этишдан ўзини тўхтата олади.

“Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ” деб таъкидлар экан юртбошимиз². Шу ўринда жазонинг муқарраллиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланишини уқтирадилар.

Жиноят кодексининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Учинчидан, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири-ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммодир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равшан баён қилинган: “Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад-дейилади ушбу ҳужжатда, - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим”³.

¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.51.

² И.А.Каримов.Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак Т.10..Т.Ўзбекистон.2002.36-б.

³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.10.Т.Ўзбекистон.2002.39-б.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида акс эттиради.

иккинчи вазифаси, эркинликни вужудга келтириши, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган ва тақиқланмаган барча ҳаракатларни эркин амалга олширилишини таъминлашдир.

“Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш”¹.

“Конституцияга биноан ҳар бир кишига эркин танлаш, фикрлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишни ўрганишимиз, унинг ҳуқуқларини, аввало, ҳар бир кишининг ўз келажагини ўзи яратиш ҳуқуқини ҳурмат қилишимиз лозим.

Бу бугунги энг мушкул муаммо бўлиб, уни биргаликда бартараф этишимиз ва янги тушунчалар асосида фикр юритишни ўрганишимиз даркор.

Табиийки, фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион ҳуқуқларини, унга шу ҳуқуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар куруқ гап бўлиб қолаверади.

қисқаси, кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва ҳуқуқларни муҳофаза

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз =ўлимиз билан =ураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.52

қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим”¹.

Жамиятда эркинликни вужудга келтириш учун, маълум соҳаларни эркинлаштириш ҳам талаб этилади. Бу тўғрисидаги фикрлар Президентимиз И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда, деб номланган маърузасида баён қилинган. Ушбу маърузада, давлат ва жамият қурилишини, сиёсий соҳани, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини эркинлаштириш борасида масалаларга тўхталиб ўтилган.

учинчи вазифаси, адолатпарварликни вужудга келтириш ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов, “Мамлакатда адолат тамойили амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда ана шу уч субъект-давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади. Улар бир бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шарт ва муҳим омилдир”¹, деб таъкидлаб ўтган эди.

“Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унитмаслик керак.”² “Адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. қонун, яна бир бор қонун-катгаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар,-барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”^{1,3}

Шунингдек, адолатни вужудга келтиришда ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг ҳам ўрни беқиёс. Улар оддий фуқаролар билан бир қаторда қонунларга бўйсунishi лозим, зеро қонун олдида барча баробардир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Кимки, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилишим мумкин, мушугимни биров "пишт" деёлмайди, деб

¹ И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.158-159.

² И.А.Каримов. Хавфсиз ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.26-27.

³ И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.240.

⁴ Ўша асар. –Б.252.

ўйлаган бўлса, янглишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят, аввало, органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўқади, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказади.

Мана шу юксак минбардан туриб, мазкур соҳа ходимларини огоҳлантирмоқчиман: сизларга бошқаларга нисбатан алоҳида талаб қўйилади.

Шундан хулоса: сафингизда йўл қўйилган ҳар қандай қонунбузарлик ва жиноят учун шафқатсиз жазо оласизлар!

Мен бир вақт айтувдимки, халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачон адолат бузилишига чидамайди.

Адолат қачон бузилади?

Амалда ўтирган, вазифада ўтирган одам ўзи ахлоқий, маънавий нуқтаи назардан бузилса, нафсини тиёлмаса, тўғри йўлдан чиқса, мана шунда адолат бузилади, мана шунда одамлар бизларга нисбатан ишончини йўқотади.”¹

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.”¹

“Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”.²

“Раҳбарликнинг энг буюк мезони адолат. Бу сўзнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

"Куч-адолатда" деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўғит-насиҳатларини эсимиздан, ҳаёлимиздан чиқаришига ҳаққимиз йўқ.

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.34.

² И.А.Каримов. Ватан саждагош каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.11.

³ Ўша асар. –Б239.

Ўзидан бир поғона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поғона паст бўлган одамни оёқ ости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилona муносабатда бўлади. Албатта, одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида гап укмайдиган, баъзан эса рўй-рост эътироз билдирадиганлари ҳам бўлади. Халқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. Ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиши билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Ҳақиқий раҳбар, одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Ана шундай бахт барчага каттаю- кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман”¹.

“Мана, Бош Прокуратура, Олий Суд, Адлия вазирлиги, Олий Хўжалик суди... Сизларга катта ишонч билдирганмиз, сизларни қонунни ҳимоя қиладиган одамлар деб биламиз. Сизлар ҳалол ва одилona иш юритсангиз, бизда ҳуқуқий давлат, адолатли жамият қуришга имконият пайдо бўлади.”²

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов баъзи бир шахсларнинг ўз ишларига лоқайдлигини танқид қилиб, шундай ачинарли ҳолатларни таъкидлаб ўтган эди, “Нима, ҳуқуқий асосларимиз бўшми ёки умуман масъулиятни унутиб қўйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёсат олиб бораётгандир?

...Ўзи ҳудудларда қонунларимизни ҳимоя қиладиганлар борми-йўқми?!

...қонунларнинг ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?! Агар туманда қонун бажарилмаса, прокурор унда нима қилиб ўтирибди?!”³

“Агар қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор ташкилий ишларни-бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак”⁴.

¹ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.76-77.

² Ўша асар. –Б.34.

³ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.52-53.

⁴ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.37.

“қонун, яна бир бор қонун-каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар, -барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”²

“Энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукамал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий аосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак.”³

Жамиятда адолатни ўрнатишда суднинг ўрни ҳам бекиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Президентимиз ташаббуси билан, жамиятда адолатни ўрнатиш, тартиб интизомга эришиш мақсадида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилмоқда.

Президентмиз И.А.Каримов Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз, деб номланган маърузасида шундай фикрни билдириб ўтади: “Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор”. Албатта суд жараёнида адвокатнинг аҳамияти катта. Чунки фуқаролар тергов органлари томонидан амалга оширилаётган ҳарактлар қонунийми ёки қонуний эмасми, у ўзини ҳимоя қилишнинг қандай воситаларидан фойдалана олади, деган саволларга жавоб топишда маълум бир қийинчиликларга дучор бўлиши мумкин. Адвокат эса, ушбу ҳаракатлар қонуний бўлишини назорат қилиб, ўз миқдосига тегишли маслаҳатлар бериб, ҳуқуқини ҳимоя қилиб туради.

Тўртинчи вазифаси тенглик бўлиб ушбу қоида Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

Ҳуқуқнинг ушбу тенгликни ўрнатиш вазифаси ҳақида гапирганда Президентимиз И.А.Каримов томонидан таъкидлаб ўтилган қуйидаги гапларни келтириш мақсадга мувофиқдир. У: “ҳуқуқий давлатнинг барча фуқаролари қонун

¹ Ўша асар. –Б252.

² Ўша асар. –Б383.

олдида тенг. қонун жамият тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза этади”¹ деган эди. Шунингдек, “Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республикаимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишига муносибдир”², деган ғояларни илгари сурган. Ҳозирги кунда давлатшунос олимлар давлат аппаратининг, энг аввало, фуқаролар ва улар уюшмаларининг турли эҳтиёж ва манфаатларини мутаносиблаштириш механизми деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрнинг тўғрилиги давлат бошқарувининг ўзига хос умумий белгиларини таҳлил этиш жараёнида яққол кўзга ташланади.

Давлат бошқаруви қўйидаги асосларга кўра фаолият юритади:

1. Давлат бошқарувининг ягоналиги. Давлат бошқаруви — давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик тизимидир. Унинг яхлитлиги давлат органлари ва муассасалари фаолияти тамойилларининг, вазифалари ва мақсадларининг ягоналиги билан таъминланади. Давлат органлари ўзаро фарқ қилишига қарамасдан, бир бутуннинг қисмлари ҳисобланади ва ўзаро боғлиқ. Масалан, парламент ва ҳукумат турли ваколатларга эга, турли мазмундаги ишни бажаради, лекин иккаласи ҳам бирга ягона давлат ҳокимиятини амалга оширади, яъни иккаласининг фаолияти ҳам фуқаролар муносиб ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда фаолият юритади.

2. Умумий мақсад ва вазифаларнинг мавжудлиги. Барча давлат органлари умумий мақсад ва вазифаларни бажариши, яъни давлат бошқарувининг асосий тамойилларини амалга ошириш учун ягона тизимга бирлашади. Асосий мақсад — халқ манфаатини қондириш. Давлат ва уларнинг органлари халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатлари учун хизмат қилади.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Конституциянинг 7- моддасида белгилаб қўйилишича «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б.16.

Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

3. Иерархик тизимга асосланганлиги. Давлат бошқаруви пирамида шаклида тузилган бўлиб, унда юқори турувчи органлар қуйи турувчи органларга нисбатан кўпроқ ваколатларга эга бўлади ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсата олади, қуйи турувчи органлар еса юқори турувчи органлар қарорларини бажариши мажбурийдир. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини жойлардаги маҳаллий органлар бажариши мажбурий ҳисобланади.

Мажбурлов апаратининг мавжудлиги. Давлат органлари, хусусан, қонун чиқарувчи орган қонун қабул қилиш ва уни кучга киритиш усули билан, ижро этувчи органлар бошқарув, мажбурлов ва рағбатлантириш усуллари билан ҳуқуқий нормаларни татбиқ этадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқ нормаларини амалиётга татбиқ этишда, асосан, ишонтириш ва мажбурлаш усулларида фойдаланган ҳолда иш юритадилар. Жамиятдаги барча фуқаролар ҳам давлат томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги меъёрларга сўзсиз риоя қилавермайди, чунки инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти бир хилда шаклланмайди. Шунинг учун, фуқаролар давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга ўз хоҳишларига кўра риоя этмайдиган бўлса, давлат ўзининг мажбурлов кучи орқали қонунларнинг бажарилишини таъминлайди. Булар: прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати, жиноий жазони ижро этиш муассасалари, армия ва бошқалар. Бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи махсус шахслар гуруҳининг мавжудлиги. Давлат органларида фаолият юритувчи шахслар иш фаолиятида фақатгина бошқарув билан шуғулланади, улар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдилар. Шунингдек, ушбу тоифадаги шахслар давлат ва жамият манфаатлари учун фаолият кўрсатадилар. Масалан, судья судлов жараёнида бирор-бир яқин танишининг ҳуқуқбузарлик содир этган иши бўйича, у шахсга нисбатан қонуний чора кўриш жараёнида, ўзининг шахсий манфаатларини инобатга олиб эмас, балки давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, обектив равишда қонунга асосан ҳукм чиқаради.

6. Ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органларининг ички структурасининг мавжудлиги. Давлат бошқарувининг бир меъёрида ишлашини таъминлаш мақсадида давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат ташкилотлари биргаликда ҳаракат қилади ва ўз навбатида, улар ички таркибий тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Давлат органлари – давлат бошқарувини амалга оширишда ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат бошқарувининг асосий бўғини. Масалан, прокуратура, суд, ички ишлар органлари ва бошқалар ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органларидир.

Давлат ташкилотлари – бевосита ишлаб чиқариш ҳамда таъминот билан шуғулланувчи давлат идораси ҳисобланиб, давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган тамойилларни бажаради. Мазкур ташкилотларнинг асосий қисмини давлат ўз монополиясида қолдиради. Метро, трамвай, троллейбус, электр энергияси, алоқа тизими шулар жумласидандир.

Давлат муассасалари – бу давлат органлари каби ҳокимият ваколатига эга бўлмай, давлатнинг олдида турган умумижтимоий вазифаларни бажарувчи идоралар. Масалан, касалхоналар, маориф, театр ва бошқалар. Ушбу органлар ҳокимият ваколатига эга бўлмаса-да, лекин жамият олдида турган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни бажаради.

Юридик адабиётларда «давлат аппарати» ва «давлат бошқаруви» деган тушунчалар кўп учрайди. Бу тушунчалар, асосан, бир хил мазмунга эга. Лекин «давлат бошқаруви» кенгроқ тушунча бўлиб, унга давлат органларидан ташқари давлат аппарати ишини ташкил қиладиган, унга ёрдам берувчи бўлимлар, муассасалар ҳам киради. Уларга таяниб давлат аппарати ўз фаолиятини, давлат бошқарувини амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини давлат органи, деб олсак, Ички ишлар вазирлигининг олий ўқув юртлари, тиббиёт, молия – иқтисод бошқармалари ва шунга ўхшаш вазирликнинг фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берадиган ташкилотлар, унинг муассасалари ҳисобланади. Давлат бошқарувининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши муайян бир раҳбарий ғоялар, яъни принциплар асосида амалга оширилади. Давлат бошқарувининг принциплари уларнинг тўғри фаолият юритишида йўлланма берувчи вазифани ўтайди.

Шунингдек, мазкур принциплар давлат аппаратининг ҳаракат доирасини ва мезонини белгилаб беради.

Давлат бошқаруви фаолияти ва уни ташкил этишнинг асосий принциплари:

1. Ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципи. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир.

Давлат бошқарувини куриш муайян обектив тамойиллар асосида амалга ошади, бу эса жамиятни давлат томонидан идора этишнинг самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ваколатлар айти бир одамнинг қўлида ёки айти бир идорада жамланган бўлса, эркинлик мавжуд бўлмайди, зеро, монарх ёки сенат нотўғри қонунлар қабул қилиши ва улардан жоҳилларча фойдаланиши мумкин.

Ҳокимият ваколатларини бўлинишининг бош маъноси–ижтимоий-сиёсий кучлар орасидаги ҳокимият ваколатларининг тақсимланишидир. Бундан мақсад – ҳокимиятни суиистеъмол

қилишнинг имконияти бўлмаслиги, ҳокимиятлар бир-бирларини муайян мувозанатда ушлаб ва чеклаб туришидир.

2. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги принципи.

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олиниши принциpidан келиб чиққан ҳолда давлат аппарати ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Давлат органларининг ташкил этилишдан асосий мақсади ҳам инсон, унинг манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш ва риоя этишдир. Давлат аппарати ўз фаолиятида турли давлат органларининг норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бирламчи эканлигидан, ҳеч қайси бир орган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зид ҳужжатлар чиқариши мумкин эмаслигини кафолатлайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши эътироф этилган. Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинади ва улуғланади.

3. Демократизм принципи. Давлат бошқаруви (аппарати) ташкил этилиши демократик принцип асосида амалга оширилади. Чунки, давлатнинг қонун чиқарувчи органлари халқ томонидан сайлаш орқали ташкил этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат Ўзбекистон халқи томонидан яширин овоз бериш асосида сайланади ва шу демократик тартибда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси шакллантирилади. Худди шу каби Олий Мажлиснинг Юқори палатаси бўлган Сенат ҳам халқ вакилларининг иштирокида ташкил этилади. Сенатдаги мавжуд 100 нафар сенаторнинг 16 нафарини Президент тайинласа, 84 нафарини вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 6 нафардан маҳаллий вакиллик органлари депутатлари йиғилишида сайланади.

Ижро этувчи ҳокимият – Ҳукумат ҳам халқ томонидан сайланган Президент тақдимида биноан Олий Мажлис томонидан ташкил қилинади. Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва Конституциявий судларнинг раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, судьялари ҳам Олий Мажлисдаги халқнинг вакиллари бўлган сенаторлар томонидан сайланади.

Давлат бошқаруви (аппарати) халқнинг иштирокида шакллантирилади, халқ ҳокимиятини ифодалайди, у ҳам ўз фаолиятида фақатгина халқ манфаатларига хизмат қилади.

4. Поғонама-поғона бўйсунуш (иерархия) принципи. Иерархия – бир-бирига ўзаро бўйсунувда бўлиш деган маънони англатади. Иерархия – поғонама-поғона, пирамида, ўзаро бўйсунувдаги каби сўзлар билан бир маънони англатади. Поғонама-поғона жойлашиш принципининг мазмуни шундаки, давлат органлари тузилишининг бир шакли бўлиб, юқори давлат органларининг ваколатлари қуйи органларнинг ваколатларига нисбатан кўпроқ бўлади ҳамда улар қуйи органларнинг фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси олий органларининг қарорлари мамлакатнинг бутун ҳудудида қуйи турувчи барча органлар ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий. Масалан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойиши Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун мажбурий аҳамиятга эга. Шунингдек, туман ҳокими чиқарган қарорни вилоят ҳокими, вилоят ҳокимининг қарорини Бош вазир бекор қилишга ҳақли.

Ошкоралик принципи. Давлат бошқаруви (аппарати)га кирувчи органлар ўз фаолиятини ошкоралик асосида амалга оширадилар. Қонун чиқарувчи орган – парламент фаолияти жараёнида қабул қилинаётган қонунлар лойиҳасини ёки қабул қилган қонунлар матнини оммавий ахборот воситалари орқали халққа эълон қилиниши ҳамда халқни қонунлардан хабардор этилиши ошкоралик ифодасидир. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган фармойиш ва қарорларнинг тўпламларда чоп этилиши ҳамда суд органлари томонидан чиқарилган ҳукмлар (давлат ва оила сири билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно) ва қарорлар ҳақида маълумотлар билан ҳам халқнинг танишиши учун очиқ бўлишидир. Ошкоралик давлат аппарати фаолиятининг асосий мезони бўлиши лозим. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари давлат аппарати фаолияти ҳақида доимий равишда кундалик ахборотларини эълон қилиб туриши, халқнинг жамиятда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотлардан хабардор бўлиб туриши мақсадга мувофиқ саналади.

Қонунийлик принципи. Давлат бошқаруви (аппарати)нинг ташкил этилиши қонун йўли билан амалга оширилади. Давлат аппаратининг асосий бўғини бўлган қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис, ижро этувчи орган – Вазирлар Маҳкамаси ва суд органлари – Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва Конституциявий суд тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси тегишли қонунлари қабул қилинган. Мамлакатимиздаги барча давлат органлари қонун асосида ташкил этилган ва қонун асосида фаолият юритади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра Ўзбекистон Республикасида ноошкора, махфий ва ҳарбий ташкилотлар тузиш тақиқланган. Шунингдек, давлат органлари ўз фаолиятини қонун асосида амалга ошириши шарт. Ҳар қандай давлат органларининг қонунларда белгилаб қўйган ваколатлардан четга чиқиши мумкин эмас.

Профессионализм принципи. Давлат аппарати хизматчилари ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб, улар махсус малака ва билимга, етарли тажриба ва амалий ўқувга эга бўлган ходимлар ҳисобланади. Давлат аппаратида хизмат қилаётган ходимлар дастлаб мазкур соҳа бўйича қуйи органларда хизмат қилган, ушбу соҳада бой тажрибага эга бўлган мутахассис ходим бўлиши шарт.

Коллегиаллик ва яккабошчиликнинг биргалиги принципи. Давлат аппарати органлари ўз фаолиятини коллегиаллик ва яккабошчилик асосида амалга оширади. Коллегиаллик, яъни жамоавий бошқарув ҳисобланиб, Олий Мажлиснинг қуйи палатаси депутатлари ва юқори палатаси сенаторларининг хизмат фаолиятида яққол кўринади. Чунки ушбу органлар бамаслаҳат, муҳокама тарзида бир-бири билан ҳамкорликда масалани ҳал этадилар. Масалан: Олий Мажлис қонун қабул қилишда баҳамжиҳат иш тутadi. Яккаҳокимлик ёки яккабошчилик принципида эса коллегиалликка ўхшаш умумнинг иродаси рўёбга чиқиши эмас, балки хизмат соҳасининг ёки бўлим бошлиғи ўзининг яқдил фикри асосида масалани ҳал қилади. Масалан, Божхона қўмитаси раисининг тегишли масала юзасидан якка тартибда буйруқ чиқариши.

Сайланиш ва тайинланишнинг уйғунлиги. Давлат бошқаруви (аппарати)нинг ташкил этилиши сайланиш ва тайинланиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида олий вакиллик идоралари – Қонунчилик палатаси депутатларининг барчаси, Сенат аъзоларининг аксарият қисми, Олий суд идораларининг раис ва ўринбосарлари сайлаш орқали ташкил этилади. Ижро этувчи органларнинг барчаси тайинлаш тартибида шакллантирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти вазирлар ва ҳокимларни лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Давлат аппарати механизми (аппарати)га кирувчи органлар юқорида қайд этиб ўтилган принциплар асосида ташкил этилади ҳамда улар ўз фаолиятини мазкур принциплар асосида амалга оширадилар. Давлат бошқарувининг дастлабки ва энг муҳим таркибий элементи давлат органидир.

Давлат органи — давлат бошқарувини бажаришда қатнашувчи ва бунинг учун тегишли ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат бошқарувининг бўғинидир.

Давлат органлари бевосита давлат бошқарувини амалга оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқлик ва бўйсунувда бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов ташкилотлари (ташкилий тузилмалар)нинг ягона тизимидир. Мазкур органлар давлат аппаратининг бир қисми ҳисобланиб, давлат бошқарувининг асосий тамойилларини амалга оширувчи маълум давлат ҳокимияти ваколатларига эга, бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарувчи, маълум тартибда ташкил этилган идоралардир.

Давлат органларининг белгилари қуйидагилардан иборат:

Оператив бошқарувда бўлган оммавий мулкка эга ва бюджет томонидан молиялаштирилади. Давлат органлари ўз ваколатини амалга ошириш учун моддий маблағ билан таъминланади. Шунингдек, молиявий қимматликлар, банкдаги ҳисоб-рақами, бюджет ҳисобидан молияланиш манбайига эга бўлиши шулар жумласидандир. Масалан, Ташқи ишлар вазирлиги ўзининг банкдаги шахсий ҳисоб рақамига эга ҳамда давлат хизматчиларга маош тўлаш, уларнинг хизмат фаолияти учун зарурий бўлган техник воситалари ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш учун давлат бюджетидан доимий равишда молиявий маблағлар ажратилади.

Давлат номидан муайян соҳада унинг вазифа ва тамойилларини амалга оширади. Давлат органлари жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритади. Жумладан, давлатдаги ҳуқуқий тартиботни таъминлаш соҳасини Ички ишлар вазирлиги, прокуратура органлари амалга оширса, давлатнинг ташқи тамойилларини Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, мамлакатнинг мудофаасини эса Мудофаа вазирлиги, Чегара қўшинлари қўмитаси, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа идоралар амалга оширади.

Ҳокимият ваколатларига эгалиги. Давлат органлари муайян ҳокимият ваколатларига эгалиги билан бошқа давлат муассасалари ва ташкилотларидан фарқ қилади. Давлат органлари ишонтириш ва мажбурлаш усулларида фойдаланган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлайдилар. Давлат ташкилотлари ва муассасалари эса бу каби ҳокимият ваколатига эга эмас. Таркибий тузилишга эгалиги. Давлат органлари хизмат турлари ва таркибий миқдорига кўра муайян тузилишга эга бўлади. Масалан, ижро этувчи ҳокимият, органлари вазирлик ва қўмиталардан,

вазирлик таркиби эса бош бошқарма, бошқармалар, бўлим, бўлинмалар таркибида ташкил этилган. Ички ишлар вазирлигида Тергов бош бошқармаси, Жиноят қидирув бош бошқармаси ва бошқалар мавжуд.

Худудий фаолият миқёсига эгаллиги. Ўзбекистон Республикасининг марказий давлат органларининг фаолият миқёси бутун Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилади, маҳаллий давлат органларининг фаолияти миқёси эса фақатгина тегишли вилоят, шаҳар, туман ҳудудида амалга оширилади.

Қонун йўли билан ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасида барча давлат идоралари қонун йўли билан ташкил этилади ва тегишли қонунларда белгилаб қўйилган ваколатлар асосида фаолият юритадилар. Ўзбекистон Республикасида ноқонуний ташкилотлар тузиш қатъиян ман этилади. Давлатимиз Асосий қонунининг 57-моддасида қуйидагилар таъкидланган: Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш қатъиян ман қилинади.

Давлат органларининг турлари.

Давлат идоралари хилма-хил бўлиб, улар турли вазифа ва тамойилларни амалга оширади. Улар фаолияти мазмуни ва мезонларига кўра турлича таснифланади:

1. Давлат фаолиятининг амалга ошириш шакли бўйича: вакиллик, ижроия, суд органлари ва прокуратура органлари.

Вакиллик органлари. Ўзбекистон Республикасида марказий ва маҳаллий вакиллик органлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлатнинг олий вакиллик органидир. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ўз ваколатида белгиланган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят ва туманлардаги халқ депутатлари кенгашлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади.

Ижроия органлар. Вазирлар Маҳкамаси – иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорларини ижро этилишини, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фармон, фармойиш ва қарорларни бажарилишини таъминловчи ижро органи. Ижро этувчи органлар вазирликлар ва давлат қўмиталаридан иборат шаклда таркиб топган.

Суд органлари. Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради. Олий суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва бажарилиши барча учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судлари – мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналари ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш масаласи билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон хўжалик суди, вилоят хўжалик судлари устидан назоратни амалга оширади. Хўжалик судлари туманлар миқёсида ташкил этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди – барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилади. У сиёсат ва ҳуқуқ соҳаларидаги мутахассислар орасидан Конституциявий суд раиси, раис

ўринбосари ва судяларидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибда сайланади.

Прокуратура органлари – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, шунингдек, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

Юқоридан қуйига қараб бўйсунувига (иерархияга) кўра: марказий ва маҳаллий давлат органлари. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари поғонама-поғона бўйсунуш тамойили асосида ташкил этилган бўлиб, маҳаллий органлар марказий органларнинг бўйсунувида бўлади. Марказий давлат органлари чиқарган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маҳаллий давлат органлари учун мажбурий аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, маҳаллий давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар марказий давлат органлари томонидан бекор қилиниши мумкин. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг барча қарор ва фармойишлари республиканинг бутун вилоят ҳокимлари учун мажбурий аҳамият касб этади, вилоят ҳокимининг қарори фақатгина у раҳбарлик қилаётган вилоят ҳудудида амал қилади ва бу қарорни юқори турувчи ташкилот – Бош вазир ёки Президент бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ваколат муддатига кўра: Доимий ва вақтинчалик давлат органлари.

Доимий органлар – фаолият муддати чекланмаган, доимий фаолият олиб боровчи давлат органлари. Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни доимий фаолият олиб боровчи органлар сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, ички ишлар идоралари, солиқ ва божхона идоралари.

Вақтинчалик органлар – жамиятдаги бирон-бир муҳим вазифани муайян бир муддатда амалга оширувчи ва мазкур ишлар якун топиши билан ўз фаолиятини тўхтатувчи органлар ҳисобланади. Масалан, турли хил табиий офатлар юз берганда

ёки оммавий тартибсизликлар юзага келганда давлат томонидан ушуб хавфларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ёки оператив штаб ташкил этилади. Мазкур комиссия ёки оператив штаб юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича муайян бир муддатда фаолият юритади.

4.Шаклланиш манбасига кўра: Бирламчи ва иккиламчи давлат органлари.

Бирламчи давлат органлари – халқ томонидан тўғридан тўғри сайлаш орқали ташкил этиладиган органлар. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати (қисман) сайлаш йўли билан ташкил этилади.

Иккиламчи давлат органлари — халқ томонидан сайлаш йўли билан ташкил этилган орган ёки шахслар томонидан шакллантириладиган давлат органлари. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси халқ сайлаган Президент ва Олий Мажлис томонидан шакллантирилади.

5. Ваколатни амалга ошириш тартибига кўра: коллегиял органлар ва якка тартибда ваколатни амалга оширувчи органлар.

Коллегиял органлар — ушбу органлар ўз иш фаолиятини жамоавий тарзда, яъни коллегиял асосда ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида қонунларни қабул қилиш жараёнида депутатларнинг жамоавий муҳокамаси ва умумий овози асосида қонунлар қабул қилинади.

Якка тартибда фаолият юритувчи давлат органлари — мазкур идора раҳбарлари хизмат фаолиятида муайян бир иш юзасидан жамоа билан маслаҳатлашув ёки муҳокама қилиш шаклидан маълум бир маънода мустақил бўлади ва ўзи якка ҳолда қарор қабул қилади. Бунга Президент, Бош вазир, Прокурор, ҳоким ва бошқаларни мисол тарзида айтиб ўтиш мумкин. Давлат органлари таснифи: Келиб чиқиш хусусиятига кўра бирламчи — ҳосила. Ҳокимият ваколоти ҳажмига кўра: олий, маҳаллий, Ваколат турига кўра: умумий ваколатли, махсус ваколатли. Ҳокимият тақсимланишига кўра: қонун чиқарувчи, ижро этувсби Қарор қабул қилиш тартибига кўра: коллегиял, якка тартибда судлов.

1-бобга доир хулосалар

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ислохотлар-мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга ошириш- бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб бериш ва натижада демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилмоқда. “Демократиянинг асл моҳияти-инсон қадр-қиммати, ҳурмати ҳамма нарсадан улуғ, деган ақидадан иборат бўлмоғи лозим”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият курмоқчимиз. Ана шундай давлат ва жамиятни куриш, ҳақиқий демократик кадриятларни вужудга келтириш-бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир”, деган ғояни илгари сурган. “Мамлакатимизда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект-давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади.”

Шунингдек, И.А.Каримов демократик жамиятнинг тамойилларини ҳам кўрсатиб ўтган. У бу ҳақда шундай дейди: “Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсида эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради”². Демократик жамият - бу энг аввало, фуқаролик жамиятидир.

¹ И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.148.

² И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.8.

2-боб. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари.

2.1. Ўзбекистонда Президент бошқарувининг ҳуқуқий асослари.

Ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораётган мустақил Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ғоят даражада муҳим, долзарб муаммодир. Ватанимизнинг ривожланиши ва истиқболи, мамлакатимизда кенг кўламда ўтказилаётган иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва билими ҳамда ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқлиги ўз-ўзидан аён. "Ҳуқуқий онг - ҳуқуқни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуқга, ҳам уларнинг ўзлари исталган ҳуқуқга муносабатини ифода этадиган тассаввур ва ҳис-туйғуларнинг мужассамидир. У табиатан ҳуқуқ билан муштаракдир ва шу сабабли мавжуд иқтисодий муносабатларга нисбатан иккиламчидир. Ҳуқуқий онг жамиятнинг, турли ижтимоий гуруҳларнинг объектив равишда келиб чиққан эҳтиёжлари ва манфаатларининг бевосита таъсирида шаклланади, ўзгариб турадиган объектив шароитлар ва жараёнлар таъсири остида доимий ривожланиб боради. Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг бир қисмидир ва шу сабабли унга фалсафий, мафкуравий ва сиёсий қарашлар таъсир этиб туради."¹

Ҳуқуқий онгни ривожлантиришга жамиятда бўлаётган ўзгаришлар, қабул қилинаётган янги қонунлар, янги қонунларнинг лойиҳаларини кенг омма (халқ) орасида муҳокама қилиниши, барча ўқув юртларида, мактабларда ҳуқуқ ҳақидаги билимларни ўргатиш-ўрганиш, мазкур фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, радио, телевидения, вақтли матбуотларда ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш; аҳолининг мустақил равишда, ҳуқуқий билимларни ўрганиш мақсадида қонун ҳужжатларини мунтазам чоп этиб бориш; суд, прокуратура, милиция органларининг иш тажрибасини оммалаштириб бориш; адлия ва ҳуқуқшунослик фанларини ривожлантириш; ошкораликни таъминлаш; бошқа давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш;

¹ Халилов Э.Х. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни.Т.:Ўзбекистон.1997.- 12-бет

бадий адабиётда, санъатда ҳуқуқий билимларни тарқатиш ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг омиллари бўлиб ҳисобланади¹.

Аҳолининг барча қатламларини ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун асосий эътиборни нималарга қаратиш лозимлиги ҳақидаги вазифалар Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"да ҳам белгилаб берилган. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ҳам моддий маънавий, ахлоқий ва бошқа мафкуравий омиллар асосида шаклланиб ва ривожланиб боради. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг етуқлиги ва онглилигини кўрсатувчи меъёрдир. Ҳуқуқий онг, билим ва тасаввурлар инсонда тасодифий равишда пайдо бўлмайди. Уни инсоннинг туғма хусусияти, дейиш ҳам мумкин эмас. Инсон онадан доно-ю донишманд бўлиб ҳам туғилмайди. Кишидаги ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва маданият таълим тарбия, ўқиш ўрганиш, меҳнат қилиш, амалий фаолият, ҳаёт тажрибаси, аждодлар мероси ва намунаси асосида шаклланиб, ривожланиб узликсиз такомиллашиб боради. Ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий онгнинг юзага келиши ва ривожланиши чексиз жараёндир. У жамият тараққиёти асосида юзага келадиган объектив талаб ва эҳтиёжлар, мавжуд имкониятлар, шарт шароитлар асосида шаклланади².

Инсон жамиятда, давлатда яшар экан, унинг ҳуқуқий онгини шаклланиши мавжуд ҳуқуқий меъзонлар билан боғланмоғи лозим. Ҳуқуқий маданиятсиз жамият келажagini тассавур этиб бўлмайди. Ёшларнинг қалби, вужудига гўдаклик пайтидан бошлаб одоб ахлоқ, ҳуқуқий қонун қоидалар ҳақидаги илк тасаввур ва тушунчаларни сингдиришга жамиятнинг асоси бўлган оиланинг роли ва аҳамияти беқиёсдир.

"Қонунларимиз асосларидан хабардор бўлиш ёшлар ўртасида қонунбузарлик ҳалатларини, одоб ахлоқимизга зид хатти ҳаракатларнинг олдини олишда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстиришда ўзининг

¹ www.spc.gov.uz

² www.spc.gov.uz

ижобий таъсирини кўрсатмоқда. қонунларни яхши билган ёшларгина уларга риоя қилади. Бундай инсон ўзини ҳам оиласини ҳам, халқи давлатини ҳам химоя эта олади. қонун талабларига қатъий риоя этиш, қонунларимизга юксак эҳтиром кўрсатиш, қонун олдида ҳамма- президент ва оддий фуқаро ҳам, эркагу аёллар ҳам, ёшлару кексалар ҳам, тадбиркорлару мансабдор шахслар ҳам тенг ва маъсул эканини, бу масалада ҳеч кимда алоҳида имтиёз йўқлигини чуқур идрок этиш, ана шу қадриятни онгига мукаммал сингдириш барча ёшлар учун муҳим фазилат ҳисобланади."²

Шундай қилиб, ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий онг жамият тараққиётига, ижтимоий турмуш ривожланишига акс таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий ғоялар, билим ва тасаввурлар, ҳуқуқи назариялар ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига кириб бориб, фуқароларнинг онгидан ўрин олиб одамлар ҳуққ атворига, амалий фаолиятига мафкуравий ва психологик таъсир этади. Ҳуқуқий онг одамларни маълум тарзда ўзларини идора қилишга, жамият қабул қилган қонун ва қоидалар доирасида фаолият кўрсатишга ундайди.

Кишилар ҳуқуқий онги ва билими ривожланганлик даражасини уларнинг ижтимоий- ҳуқуқий фаоллигига қараб аниқлаш мумкин. Жамият аъзоларининг ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий маънавий соҳаларда, ўз - ўзини бошқариш органларида фаол иштирок этишлари ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Маълумки, давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, сифат жиҳатдан янги қонунчилик тизимини борпо этиш, ҳуқуқ ва қонунларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш миллий мустақиллик мафкурасининг, қолаверса, фуқароларнинг дунёқараши, оламни тушуниши, маданияти ва онглилик даражасининг таркибий қисмидир. Зеро «аслида янги ҳуқуқий тизимни ишлаб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон –бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.:1994.45-б

² Туленов Ж., Қодиров Б., Ғофуров З.. Маънавий юксалиш сари.- Т.:Мехнат,2000. 79-б.

чиқишга тўғри келади. Унинг ўзагини Асосий қонун - республика Конституцияси ташкил этади»¹.

«Бизнинг асосий бойлигимиз, - деб ёзади Президентимиз - ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз - инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир».²

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқ тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашилди. “Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиямиз, - деди Президент. - Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадни руёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадага эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ тартибот идоралари, ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифадир”¹.

Ўзбекистон XX асрнинг охириги ўн йиллигида мустақилликка эришиб, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролар жамиятини қуриш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборатдир. Мана шу мақсадимиз қабул қилинаётган фармонлар, ҳукумат қарорлари, қонунлар орқали одамларга етиб бораяптими, халқимиз ислохотларнинг моҳиятини теран тушуниб етаяптими, масаланинг муҳим жиҳатларидан бири ана шу саволга жавоб топишдан иборат. Бунинг учун биринчидан, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо этилади.

¹ Халқ сўзи. 1997 йил 21 май.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан =олсин. Т.2.-Т., 1996. –224 б

Токи, одамлар ислохотларга қизиқишини намоён эта олсин. Унинг кузатувчиси ёки иштирокчиси эмас, балки бевосита ижрочиси сифатида юқоридаги олий мақсадни англаб етсин.

Бунга эришиш учун, аввало, аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун зарурдир. Чунки ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади. Бунга 90-йиллар бошида мамлакатимизда рўй берган вазиятни мисол келтиришимиз мумкин. Шундай экан, юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлигини нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир.

Мамлакатда адолат тамойиллари амал қилиш, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади. Улар бир - бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шarti ва муҳим омилидир¹.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бу борада ҳам жаҳон тажрибасига таянган ҳолда кўп ишлар амалга оширилди. Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Эндиги вазифа ана шу қонунлар моҳиятининг аҳоли кенг қатламларига етиб боришга ва мазкур ташкилотлар таъсирини ҳар бир фуқаро сезишига эришишдан иборатдир.

«Биз демократик тамойилларнинг одамлар онига сингиб боришига, ҳуқуқ лаёқатимизнинг ажралмас қисми бўлишига эришмоғимиз даркор. Бунинг учун эса қуйидаги жиҳатларга аҳамият бермоқ лозим. Биринчидан, халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қонун, қарор қабул қиляпти, бундан тўла

¹ www.spc.gov.uz

хабардор бўлиши керак. Иккинчидан, айниқса инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу қонунлар унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим. Учинчидан, тайёрланаётган қонунлардан ҳам аҳоли хабардор бўлиши, яъни уларнинг қандай ишланаётгани жамият назоратида туриши зарур. Энг муҳими давлат бошқарувида, қонунларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг кенг иштирок этишига эришиш даркор.

Бу борада матбуот, радио ва телевидение кўп иш қилиши керак. Токи қонунлардан, амалий ишлардан аҳоли ўз вақтида хабардор бўлсин. Муҳим қонун ҳужжатларини алоҳида китобчалар ҳолида нашр этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки улар фақат мутахассисларга эмас, барчага етиб бориши лозим.

“Муҳтасар айтганда, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим»¹, - деб таъкидлайди Президентимиз. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади.

Юқоридаги учрашувда Президентимиз мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берди. Давлатга қарашли бўлмаган аҳоли ижтимоий фикрини ўрганиш марказини, вилоят ва туманларда унинг бўлимларини, Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил этиш, уларни замонавий жиҳозлар ва юксак малакали, маърифатли мутахассислар билан таъминлаш шулар жумласидандир. Аҳоли ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш бўйича давлат дастури ишлаб чиқиш лозим топилди.

«Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ - ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй ҳаракатларимиз бесамар кетаверади. Бугун одамларнинг

¹ Қаранг: Каримов И.А. Хавфсиз ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.,1998. 25-30 б

дунёқараши, онгу тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди»¹.

«Сиёсий маданиятни юксалтириш керак, - дейди И.А.Каримов-одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак»².

Оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар сифатида катта аҳамиятдир. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек - айти шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим³.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ўз нутқларида илгари сурган ғоялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонида, шунингдек, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастурида ўз ривожини топди. Мазкур дастурда қўйидагилар назарда тутилган: фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш; фуқароларга ҳуқуқий таълимва ҳуқуқий тарбия беришни такомиллаштириш; давлат органлари ходимларининг, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводини ошириш; юридик кадрларни тайёрлаш, қайта

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.,1999. 245 б

² Халилов Э.Х. Ижтимоий турмушда ҳу=у=ий онгнинг ўрни. –Т.:Ўзбекистон., 1997.- 10 б

³ Ўша жойда. 285-286 б

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш ва бошқалар.¹

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов асарларида ҳуқуқий бошқарув масаласи фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлатни қуришнинг асосий шарти эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтганлар.

“Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши, - деб ёзади Президентимиз, - ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва руёбга чиқади”.²

Келажаги буюк давлат, Президентимизнинг фикрича энг биринчи навбатда, булажак фуқароларининг давлат бошқаруви маданиятига, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур.³

Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришлари Олий Мажлис фаолиятида муҳим ўрин тутиши лозим, деб таъкидлайди Президент- маълум бир лойиҳа, конкрет қонун муҳокама этилаётган пайтда сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ҳам мумкин. Бу қонунчиликда давлат бошқаруви фаолиятида сифатини оширади, қонуннинг таъсирчанлигини таъминлайди, халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш имконини беради.

Аҳолининг давлатни ҳуқуқий бошқариш ва таълимини такомиллаштиришга давлат ва бошқарувнинг ҳали фойдаланилмаган механизмларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш, давлат ва бошқарувнинг янги шакллари ва воситаларини жорий этиш моддий-техника негизини кучайтириш йўли билан эришилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.:Ўзбекистон,1996.-322-б

² Каримов И.А: Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т., 1996. -224 б

Ёш авлоднинг ҳуқуқий давлат ва бошқарувни кучайтиришнинг асосий чоралари қуйидагилардан иборат:

- давлат ҳуқуқий давлат ва бошқарувнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб боради, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам беради;

- аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш; ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва юристлар жамоат бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолишига эришиш;

- ҳуқуқий давлат ва бошқарувнинг таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга оширилиши;

- ҳуқуқий таълим ва давлат бошқарувинг уларни мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив ва ўқув-услубий мезонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш;

- ҳуқуқий фанлар асосларини, чуқур ўргатадиган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини иқтисодий, ижтимоий, демографик вазият ва жамиятнинг тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини белгиловчи бошқа омиллар эътиборга олинган ҳолда аниқлаш;

- дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

- таълим ва тарбия муассасаларига дахлдор бўлмаган шахсларнинг (ишчилар, хизматчилар, уй бекалари, пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар ва

бошқаларнинг) ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий таълими тизимини такомиллаштириш ҳамда ўқув юртларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш лозим.

Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий- ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш шароитларида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг янги воситалари ва усуллари жорий этиш лозим.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг восита ва усуллари такомиллаштириш мақсадида:

- фуқаролар билан олиб бориладиган ҳуқуқий ишлар савиясини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва ўқув юртларининг кадрлар билан етарли таъминланишига эришиш;

- мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талабалар ишлаб чиқариш керак чунки улар қонунларни қатъий ижро этишга ҳуқуқнинг амал қилишини таъминлашга, ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга даъват этилганлар.

Ҳуқуқий билимларни давлат идораларигина эмас, балки жамоат бирлашмалари томонидан ҳам оммалаштириш жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг янги шакллари жумласига киради.

Юридик ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқ соҳасида илмий муассасалари бўлмаган шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ҳуқуқий таълимни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳуқуқий билимларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб тизимини такомиллаштириш, барчага мўлжалланган юридик адабиётларни нашр этиш ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашади.

Ҳуқуқий маданият жамият маданиятининг таркибий қисми, тараққиётнинг ворислик йўсини билан аста-секин, бири кетидан бири келадиган авлодлар тажрибалари ва фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий бойликлар сифатида қонунга итоаткор турмуш тарзини шакллантирувчи, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий

бошқарувчи ва мамлакатда ҳуқуқий тартибларни ўрнатувчи ҳуқуқий маконда, норматив актларда ва ҳуқуқий онгда ўз ифодасини топади¹.

Айнан, таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда ҳуқуқий онгдаги нуқсонлар кўп жиҳатдан ҳуқуқий маданиятнинг паст даражаси билан белгиланади.

Жамият, ҳуқуқий бўлмаган бошқарувнинг тоталитар усулларида воз кечиб, ҳуқуқий давлат куриш йўлига кадам қўйишга интилган заҳотиёқ, олдинги тузум даврида сиёсий ва иқтисодий эркинликлардан сиқилган кишилар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишнинг реал имкониятини сезишлари биланок жамиятда йиллар давомида устунлик қилиб келган ҳуқуққа ва уни баҳолашга бўлган салбий қарашлар таъсири остида шаклланган ҳуқуқий маданият даражасининг пастлигини кўрсатдилар.

Ҳуқуқий маданият ҳаракатдаги қонуншуносликнинг асосий коидалари ибтидоси ҳақида маълум бир тассавурларга эга бўлишни ва улардан фойдаланиш кўникмасини талаб этади.

Давлат ҳуқуқий тизими ва ҳаракатдаги қонуншунослик ҳақида зарур билимларга эга бўлмай фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини адо этиб, қизиқишларини ҳимоя қилолмайдилар. Давлат ҳокимияти ва бошқарув лавозимларида юридик нуқтаи назардан саводсиз кишилар учраса, агар шундай кишилар суд, қонун ишлаб чиқиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларда ишласа жуда ёмон. Ҳуқуқий маданиятнинг ушбу йўналишига республикаимиз Президенти доимо эътиборни жалб этади. “Мен ўз бурчи, ўз хизмат вазифасига кўра қабул қилинган қонунларнинг бажарилишига масъул бўлган шахслар ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Булар – қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ва маъмурий органларнинг ходимларидир. Айни шу ходимларнинг хатти-ҳаракатларига қараб кўпчилик жамиятда қонун кучига қандай амал қилинаётганига, ҳуқуқий механизмлар нечоғли кучли эканига, ҳуқуқий жамият қай даражада етуклигига баҳо беради”².

Ҳозирги даврдаги ҳуқуқий маданиятимизнинг хусусияти ва мо-ҳиятини, онгнинг бўлинганлиги билан ифодаласа бўлади. Ушбу ҳолат нафақат мавжуд, балки

¹ www.pravo.uz

² Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик ва тараққиёт гарови Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 159.

у етакчи ўринда туради. Онгда ҳали туб бурилиш содир бўлганича йўқ. Ҳали жамиятда илгариги йилларда шаклланган тушунчалар ва шу боис белгиланган чора - тадбирларнинг амалий ҳаётга реал таъсир қилишига шубҳа билан қараш кучли.

Онгдаги иккиланишни онгли тарзда иккиюзламачилик деб билмаслик лозим. Масала анча мурқаб. У жамият тараққиётини, тарбия ва ижтимоий амалиётни белгилаб, қон - қонга сингиб кетган муҳит билан боғлиқ. Натижада носоғлом аҳвол амалиётда, ижтимоий онгда, шу билан бирга маданиятда ҳам носоғлом онгни шакллантиради. Улар эса ўз навбатида зиддиятларга тўла ҳақиқий ҳаётга қайтишни қийинлаштиради. Буларнинг барчаси қуруқ прагматизмга, негатив кўринишдаги оламон хоҳишига қараб яшашнинг шаклланишига, ҳақиқий ҳуқуқий маданият шаклланишининг тўхташига олиб келади.

Шунинг учун ҳам, деб алоҳида таъкидлайди Президент И.Каримов, "халқимиз ҳуқуқий маданиятини оширишни ташкил этиш, уни давлат сиёсати даражасига кўтариш лозим, зеро, мустақиллик тушунчаси замирида буюк ҳуқуққа эга бўлиш ётади."¹

Бунинг учун республикамизда қилинган ишлар кам эмас. Масалан, 1997 йил 20 майда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув ўтказди. Унда эркин, ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг зарурий шарти халқ ҳуқуқий маданиятини ошириш эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга Президент, ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ, шунинг учун, барча соҳада бўлганидек юриспруденцияда ҳам юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш зарурлигига эътиборни қаратди. Ушбу учрашув ҳўжакўрсин учун (декларатив) ёки ўткинчи характерга эга эмаслигини бир ойдан кейин Ўзбекистон Президентининг "Давлат бошқаруви яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомил-лаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш" (1997 йил 25 июнь) ва унинг кетидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазир-лиги юристлар малакасини ошириш Марказини ташкил

¹ Каримов И.А. Юксак ҳуқуқий тафаккур - демократик жамият тақозоси. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: Ўзбекистон. –1998. –Б.29.

этиш тўғрисида"ги қарори (1997 йил 22 июль) қабул қилингани ҳам кўрсатади. Бир ой ўтгач Олий Мажлиснинг 9 сессиясида "Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришнинг Миллий дастури" (1997 йил 29 август) қабул қилинади. Ушбу дастур аҳолининг барча қатламида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, юқори даражадаги ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда тадбиқ эта билиш кўникмаларини тарбиялаш учун ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг кенг, доимо ҳаракатдаги тизимини яратишни вазифа қилиб белгилади.

Нима учун биз ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга катта аҳамият беряпмиз, бу билан биз ҳуқуқий давлат қуришдаги унинг ролини бўрттириб юбораётганимиз йўқми? Албатта, йўқ. Чунки ҳуқуқий хулқни шакллантирувчи бош омиллардан бири ҳуқуқий маданият ҳисобланади. Бу масаланинг қай даражада долзарблиги тўғрисида Республикамиз Президенти таъкидлаб, шундай дейди: "олдимизда турган ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч – бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир."¹ Бундан ташқари, ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг таркибий қисми сифатида сиёсий, ахлоқий бошқариш маданиятининг тўлақонли ишлашини таъминлайди, бусиз эса ижтимоий тараққиёт, давлатлараро, халқлараро ва маданиятлараро алоқалар йўқ.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш масалаларининг ечими давлатнинг ҳуқуқий-сиёсий асосларини туб ўзгартириш билан боғлиқ бўлиб, бунда инсоннинг ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш бош мақсадлардан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат учун фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий билим даражаси ва фаоллиги, ҳуқуқларнинг бузилиши ва поймол қилинишига қарши тура олиши хусусияти хос бўлиб, у жиноятчиликка қарши энг яхши иммунитет, бизнинг фуқароларнинг юқори маънавияти, оила, мактаб, меҳнат жамоаси, маҳалладаги тарбия, жамоат фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, маъритфатпарварлик бўлиб, буларнинг барчаси

¹ "Адолат" газетаси. – 8 декабр, 2000.

инсонларнинг Қонун бузилишларига қарши кураша олишини мустаҳкам шакллантиришга қаратилган бўлиши керак¹.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.:Ўзбекистон, 1997. 91-бет.

2.2. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг асосий тамойиллари.

Давлат ўз олдида турган вазифаларни бажариш учун фаол, қатъий ҳаракат қилади. Давлатнинг мазкур ҳаракатларини, бутун фаолиятини таърифлаш учун юридик фанда “давлат бошқарувининг асосий тамойиллари” деган ибора киритилган.

Давлатнинг вазифалари ва тамойилларини тўла тушуниб олиш, таҳлил эта билиш унинг моҳиятини янада кенгроқ, чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Давлатнинг моҳияти унинг тамойилларида яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Давлатнинг тамойили – бу давлат олдида турган вазифаларни амалга оширишга қаратилган давлат фаолиятининг асосий йўналишларидир. Олимларнинг давлат бошқарувининг асосий тамойилларига берган таърифларида жиддий фарқ йўқ, уларнинг ҳаммаси ҳам давлат бошқарувининг асосий тамойилларини унинг фаолияти йўналиши билан боғлайдилар. Давлатнинг вазифаси ва тамойили бир-бири билан боғлиқ бўлган икки маънодаги тушунчадир. Ҳар бир давлатнинг вазифаси у амалга оширадиган бош асосий йўлни белгилайди, бутун фаолиятини ана шу вазифаларни ҳал этишга қаратади. Давлат бошқарувининг асосий тамойиллари эса давлатнинг вазифаларидан келиб чиқади. Давлатнинг вазифаларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳаракатлар, фаолият уларнинг тамойилларини ташкил этади.

Давлат бошқаруви жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий таркибидан, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, халқ манфаатларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларнинг ҳал қилувчи таъсири остида шаклланади.

«Давлат бошқарувининг асосий тамойиллари» нафақат сиёсий мазмундаги ва бошқарувга оид тушунча, балки юридик маънодаги ҳодисадир. Чунки, тамойиллар асосан ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади. Юридик адабиётларда давлат бошқарувини амалга ошириш шакли деганда:

– **биринчидан**, давлат бошқаруви асосий бўғинларининг фаолияти тушунилади;
– иккинчидан, давлат бошқарувини амалга оширишнинг ташқи кўриниши, белгилари, тартиби тушунилади.

Дастлабки мезонга кўра, давлат бошқарувини амалга ошириш тамойиллари қуйидагича: 1) қонун ижодкорлиги; 2) бошқарув (ижро этиш); 3) суд фаолияти; 4) назорат фаолияти.

Қонун ижодкорлиги тамойили орқали давлатнинг юқори вакиллик органлари жамиятдаги барча субектлар бажариши мажбурий бўлган қонунлар яратади. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ қонунлар икки палатали парламент – Олий Мажлис томонидан ёки референдум орқали қабул қилинади. Қонунларни қабул қилишдан мақсад жамиятга раҳбарлик қилиш, ундаги барча ижтимоий муносабатларни ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлида ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Бошқарув (ижро этиш) тамойили воситасида давлатнинг кўпгина тамойиллари бажарилади. Чунки, ижроия ҳокимият давлатнинг муҳим бўғини бўлиб, жамият ҳаётини ташкил этишда салмоқли ўрин тутди. Мазкур ҳокимият давлат органларининг асосий қисмини, мансабдор шахсларнинг энг кўп сонини ўз ичига олади. Ижроия ҳокимиятнинг асосий вазифаси – қонунлар ижросини таъминлаш, кенг миқёсда бошқарув ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширишдан иборат. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ижро ҳокимияти органи – Ҳукумат ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий-маданий соҳанинг фаолиятига раҳбарлик қилади; мамлакат қонунларининг, парламент палаталари қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси:

- иқтисодий, ижтимоий-маданий вазифаларни бажаради;
- мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштирилади, уларнинг тенглигини таъминлайди;
- бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароит яратади, хўжалик юритишнинг янги шакллари барпо этишга кўмаклашади;
- республика бюджетини шакллантиради ва ижро этади, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истикболларини ва миллий дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг ижросини таъминлайди;
- фан ва техника соҳасини бошқаради;

– фукароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш чораларини кўради, шунингдек, бошқа ижроия тамойилларни бажаради.

Судлов фаолияти. Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида, мустақил шохобчаларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга сафарбар этилгандир. Одил судлов – давлат фаолиятининг махсус йўналиши бўлиб, бунда ваколатли суд муассасаси (судлар) ҳуқуқ нормалари талабларини бузишдан келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳокама этиб, уларни қонун доирасида ҳал этади. Одил судловнинг олий мақсади – куч ва зўравонлик ғоясини ҳуқуқ устуворлиги ва адолат ғоялари билан алмаштиришдан иборат.

Назорат фаолияти. Давлат аппаратига кирувчи барча давлат органлари таркибида қонунчилик ва ҳуқуқий тартиб-интизом устидан назорат юритувчи тузилмалар мавжуд. Ушбу тузилмалар ўз тасарруфлари ва ваколатларига кирадиган соҳада назорат фаолиятини амалга оширади. Давлат назорати тизимида прокурор назоратини, солиқ назоратини, божхона назоратини, суд назоратини, экология назоратини, санитария-эпидемиология назоратини, тоғ-кон саноати назоратини, истеъмол маҳсулотлари устидан (сертификатлаш) назоратини ва бошқа турдаги назорат фаолияти турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Давлат бошқарувини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари дейилганда, давлат органларининг ўз ташқи белги ва хусусиятларига кўра бир турдаги фаолияти тушунилиб, бу фаолиятнинг оқибатида албатта муайян ҳуқуқий ҳужжат (акт) қабул қилинади.

Давлат бошқарувини амалга оширишнинг қуйидаги шаклларини кўрсатиш мумкин:

- ҳуқуқни ижод қилиш (қонун ижодкорлиги фаолияти);
- ҳуқуқни ижро этиш (ижроия-фармойиш бериш фаолияти);
- ҳуқуқни қўриқлаш (одил судлов назорат фаолияти).

Давлат ва унинг органлари ўз тамойилларини маълум метод (усул)лар воситасида амалга оширади. Ушбу усуллар қаторига – ишонтириш, мажбур қилиш, рағбатлантириш сингарилар киради. Давлатнинг ҳар бир аниқ тамойилси давлат

ҳокимиятини амалга оширишнинг мазмуни, шакли ва усуллари узвийлигида намоён бўлади.

Давлат бошқарувининг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:

- тамойиллар давлатнинг моҳияти ва ижтимоий ҳолати билан бевосита боғлиқ;
- улар ўзгарувчан табиатга эга бўлиб, давлатнинг шаклланиши, мустаҳкамланиши ва ривожланишига йўналтирилган. Ҳар бир тарихий даврда давлатнинг ўзига хос муайян тамойиллари бўлади. Ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучларнинг келиши билан давлатнинг моҳияти ва унга мос тамойиллари ҳам ўзгаради. Жамиятда устувор манфаатлар алмашганда ҳам давлат бошқарувининг ўзгариши содир бўлади. Масалан, уруш даврида давлатнинг мудофаа тамойилси биринчи ўринга чиқади ёки бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг иқтисодий тамойилси алоҳида аҳамият касб этади. Тамойилларнинг мазмуни давлат ривожланишининг муайян босқичларида ўзгариши мумкин. Давлат бошқарувининг ўзгариши, айниқса, туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, инқилоблар даврида яққол кўзга ташланади.

Давлатнинг ҳар бир тараққиёт босқичига муайян тамойиллар тўғри келади. Масалан, ҳозирги замон давлатларининг барчасида иқтисодий тамойиллар мавжуд. Аммо уларнинг мазмуни, шакллари, амалга ошириш усуллари турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичига ўзига хос тамойиллар тўғри келади. Шу боис давлат янги босқичдаги ривожланишга ўтар экан, ўз вазифаларини тўла ёки қисман ўзгартириши мумкин. Давлатнинг янги тамойиллари пайдо бўлиб боради, аммо аввалгилари ҳам изсиз йўқолмайди, улар янги мазмун билан бойийди. Бу ҳолни ҳар қандай давлатнинг тараққиётида кузатиш мумкин.

Ҳар қандай давлат бошқарувининг асосий тамойилларини ички ва ташқи тамойилларга бўлиш мумкин. Давлат бошқарувининг ички ва ташқи тамойилларга бўлиниши умумий характерга эга. Ўз навбатида, давлатнинг ички ва ташқи тамойиллари ҳам турли-туман бўлади. Ички тамойилда давлатнинг мамлакат ичидаги роли намоён бўлади. Давлат бошқа давлатлар қуршовида яшайди. Шу боис бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда давлатнинг ташқи тамойилси рўёбга чиқади.

Ҳаракатининг муддатига кўра давлат бошқаруви доимий ва муваққат тамойилларга бўлинади. Доимий тамойилларга давлатга доимо хос бўлган хусусиятлар, давлат мунтазам шуғулланадиган вазифалар, масалан, ишлаб чиқаришни бошқариш вазифаси, яъни давлатнинг иқтисодий тамойили киради. Давлатнинг муваққат тамойилларига эса маълум вақт мобайнида муайян мақсадга эришишга йўналтирилган вазифалар киради. Масалан, ғавқулдда ҳолат эълон қилинган даврдаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган тамойиллар вақтинчалик тусга эгадир.

Ижтимоий аҳамиятига кўра, давлат бошқаруви асосий ва қўшимча турларга бўлинади.

Давлатнинг ички тамойиллари – мамлакат ички ҳаётини бошқариш билан боғлиқ бўлган давлат фаолиятининг асосий йўналишларидир. Ички тамойилга қуйидагилар киради: иқтисодий тамойил, ижтимоий тамойил, давлатнинг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш тамойили, табиатни муҳофаза қилиш тамойили. Ҳар бир давлат иқтисодиёт соҳасида муайян вазифаларни бажаради, улар, асосан, қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ривожланаётган иқтисодиётни яратиш, иккинчидан, иқтисодиётни барча соҳаларини ўзаро боғлиқлик асосида ривожлантириш, учинчидан, меҳнат захираларини оқилона жойлаштириш, меҳнатнинг янги технологиялар, халқнинг тарихий анъаналари ва малакаларига мос келадиган соҳаларини яратиш. Тўртинчидан, самарали иқтисодий фаолиятни амалга ошириш. Бешинчидан, тадбиркорликни ривожлантириш. Олтинчидан, аҳолини иш билан таъминлаш.

Ижтимоий тамойил – бунда давлат шахсни ижтимоий жиҳатдан муҳо-фаза этилишини, жамият барча азоларининг талаблар даражасидаги моддий-маънавий ҳаёт шароитларига эга бўлишларини таъминлайди. Ижтимоий тамойилга қуйидагилар киради. Ижтимоий бойликларни тақсимлаш, аҳолини энг кам муҳофазаланган қисмини (ногиронлар, кўп болали оилалар, кексалар, етим-есирлар) ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти кабиларни ташкил этиш. Соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантириш, жамоат транспортини ташкил этиш, уй-жой қурилиши.

Сиёсий тамойил – фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, жамиятда барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлашдан иборат.

Маънавий тамойил – жамият аъзолари онгига миллий мафкурани сингдириш, санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданияни ривожлантириш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Молиявий тамойил — солиқ тўплаш, жамият ҳаётининг асосий соҳаларини молиялаштириш, давлат бюджети ижроси, божхона назорати ва бошқалар.

Қонунларга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга эса асло йўл қўйиб бўлмайдиган давлат фаолияти соҳасидир. Ҳуқуқий тартиботни ва аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда онгини юксалтириш давлатнинг ҳуқуқий тартиботни муҳофаза этиш тамойилсининг мазмунини ташкил этади. Ҳуқуқий тартибот билан боғлиқ фаолиятнинг марказида, энг аввало, фуқаро, жамият аъзоси эркин инсон сифатида шаклланиши ва фаолият юритиши масаласи туради.

Давлат бу тамойилни амалга ошириш учун қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатади:

- биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;
- иккинчидан, қонунлар ижросини таъминлаш ва улар устидан қатъий назорат ўрнатиш;
- учинчидан, фуқароларни конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишини таъминлайдиган қонунчилик кафолатларини яратиш;
- тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини шакллантириш ва уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш;
- бешинчидан, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш.

Ҳар қандай давлатнинг энг асосий талаби — қонунларни амалга оширишга, қонунчиликни таъминлашга мутасадди бўлган идора ва шахсларнинг қонунларни аниқ ва оғишмай ижро этишларидан иборат. Табиатни муҳофаза қилиш тамойилси — инсониятни ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун табиий бойликлардан ёвузларча фойдаланиш, одамлар истиқомат қиладиган жойлар ҳаёт учун хавфли фалокат минтақаларига айланиб кетиши натижасида табиат билан инсон ўртасидаги

мувозанат бузилди. Масалан, Ўзбекистонда Оролнинг куриб бораётганлиги, қишлоқ хўжалигида экологик зарарли моддаларни ишлатиш, аҳоли яшайдиган ҳудудларда зарарли ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш, ердан оқилона фойдаланиш қонунларини бузиш табиий экологик вазиятни издан чиқарди. Шу муносабат билан давлатнинг экологик тамойилси алоҳида эътибор касб этмоқда. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилишга оид тамойилси қуйидаги вазифалардан иборат. Жумладан, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишга, атроф-муҳитга зарар етказишга ва экологик вазиятни ёмонлашувига йўл қўймаслик. Иккинчидан, жаҳон ҳамжамияти давлатлари иштирокида экологик шароитларини соғломлаштириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги экологик номақбул оқибатларни бартараф этиш. Учинчидан, самарали экологик қонунчилик тизимини шакллантириш ва тегишли давлат органларини тузиш.

Давлатнинг ташқи функцияси тамойили – унинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларидир. Давлатни ташқи тамойилсига қуйидагилар киради. Турли давлатлар билан тинч-тотув яшаш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, ташқи иқтисодий фаолият юритиш, мамлакатни бошқа давлатлар ҳужумидан мудофаа этиш ва жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ишларида фаол қатнашиш кабилар. Жамиятнинг ҳозирги замон тараққиёт даражаси барча давлатларнинг хўжалик, сиёсий, маданий ҳаёт соҳаларида ҳамкорлик қилишни талаб қилади. Иқтисодий ҳамкорликда энг муҳим ўринни халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, энг янги технологиялари билан алмашиш, кредит-молия алоқаларини ривожлантириш ва товар айланмасини мувофиқлаштириб туриш кабилар эгаллайди. Халқаро иқтисодий муносабатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари: Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Халқаро тараққиёт банки ва бошқалар олиб боради.

Мамлакатни мудофаа қилиш тамойили. Давлатчилик тараққиётининг барча босқичларида бу тамойил, унинг аҳамияти ғоят катта бўлиб келган. Зеро, ҳамиша мамлакат озодлиги ва мустақиллигини ташқи тажовузлардан ҳимоя қилишнинг объектив зарурати мавжуд бўлиб келганлиги маълум.

Мамлакат мудофааси тамойили иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий воситалар билан амалга оширилади.

Давлат мудофаа фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- биринчиси, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш. Мамлакат мудофаа қудратини таъминлаш, энг аввало, мудофаа салоҳиятини юксалтириш;
- иккинчиси, қуролли кучларни доимий такомиллаштириб, уларнинг жанговар қудрати ва жанговар тайёргарлигини ошириб бориш;
- учинчиси, давлат чегараларини муҳофаза қилиш;
- тўртинчиси, қуролли кучларнинг ҳарбий таълими;
- бешинчиси, фуқаро мудофаасини ташкил этиш.

Истиқлол даврида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари Конституциянинг махсус бобида, 1991-йил, 31-августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда ва 1996-йил, 26-декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган.

Суверен давлат сифатида мустақил давлат сиёсатининг ишлаб чиқиши ва уни амалга оширишда тегишли тамойиллар рўёбга чиқмоқда. Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда ўз аксини топаётган иқтисодий сиёсат пировард натижада демократик ўзгаришлар киритиш, кучли суверен ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам моддий негизни яратишга йўналтирилгандир. Шу вазифалардан Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи тамойиллари келиб чиқади.

Ички функционал тамойилларга қуйидагилар киради:

1. Ҳуқуқий тартибни таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш тамойили;
2. Иқтисодий функционал тамойил;
3. Солиқларни ундириш функционал тамойили;
4. Ижтимоий ҳимоянинг функционал тамойили;
5. Табиатни муҳофаза қилишнинг функционал тамойили;

6. Барча шакллардаги мулкларни ҳимоя қилишнинг функционал тамойили;
7. Маданий-маърифий функционал тамойил.

: Ташқи функционал тамойилларга қуйидагилар киради:

1. Мамлакатни мудофаа қилиш;
2. Халқаро миқёсда иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик;
3. Халқаро тартибни қўллаб-қувватлаш.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини 170 дан ортиқ давлат тан олди, улардан 120 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 44 та давлатнинг элчихоналари ҳамда 20 та йирик халқаро ташкилот ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатларда 40 та ваколатхонаси (жумладан 28 таси элчихона) очилган. Бугун Ўзбекистон 60 та нуфузли халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзоси бўлиб, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этмоқда.

Жамият олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда барча давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари бир тизимга бирлашади ва асосий масъулиятни ўз зиммасига олади.

Давлат бошқаруви – барча давлат органларининг ягона, марказлашган тизими бўлиб, улар ўзларига берилган ваколат асосида давлат бошқарувини бажарадилар ва ҳокимиятни амалга оширадилар.

Ҳозирги кунда давлатшунос олимлар давлат аппаратининг, энг аввало, фуқаролар ва улар уюшмаларининг турли эҳтиёж ва манфаатларини мутаносиблаштириш механизми деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрнинг тўғрилиги давлат бошқарувининг ўзига хос умумий белгиларини таҳлил этиш жараёнида яққол кўзга ташланади.

Давлат бошқаруви қуйидаги асосларга кўра фаолият юритади:

1. Давлат бошқарувининг ягоналиги: Давлат бошқаруви–давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик тизимидир. Унинг яхлитлиги давлат органлари ва муассасалари фаолияти тамойилларининг, вазифалари ва мақсадларининг ягоналиги билан таъминланади. Давлат органлари ўзаро фарқ қилишига қарамасдан, бир бутуннинг қисмлари ҳисобланади ва ўзаро боғлиқ. Масалан, парламент ва ҳукумат турли ваколатларга эга, турли мазмундаги ишни бажаради, лекин иккаласи ҳам

бирга ягона давлат ҳокимиятини амалга оширади, яъни иккаласининг фаолияти ҳам фуқаролар муносиб ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда фаолият юритади.

2.Умумий мақсад ва вазифаларнинг мавжудлиги: Барча давлат органлари умумий мақсад ва вазифаларни бажариши, яъни давлат бошқарувининг асосий тамойилларини амалга ошириш учун ягона тизимга бирлашади. Асосий мақсад – халқ манфаатини қондириш. Давлат ва уларнинг органлари халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатлари учун хизмат қилади.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Конституциянинг 7- моддасида белгилаб қўйилишича «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

3.Иерархик тизимга асосланганлиги: Давлат бошқаруви пирамида шаклида тузилган бўлиб, унда юқори турувчи органлар қуйи турувчи органларга нисбатан кўпроқ ваколатларга эга бўлади ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсата олади, қуйи турувчи органлар эса юқори турувчи органлар қарорларини бажариши мажбурийдир.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини жойлардаги маҳаллий органлар бажариши мажбурий ҳисобланади.

4.Мажбурлов аппаратининг мавжудлиги: Давлат органлари, хусусан, қонун чиқарувчи орган қонун қабул қилиш ва уни кучга киритиш усули билан, ижро этувчи органлар бошқарув, мажбурлов ва рағбатлантириш усуллари билан ҳуқуқий нормаларни татбиқ этадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқ нормаларини амалиётга татбиқ этишда, асосан, ишонтириш ва мажбурлаш усулларида фойдаланган ҳолда иш юритадилар. Жамиятдаги барча фуқаролар ҳам давлат томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги меъёрларга сўзсиз риоя қилавермайди, чунки инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти бир хилда шаклланмайди. Шунинг учун, фуқаролар давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга ўз хоҳишларига кўра риоя этмайдиган бўлса, давлат ўзининг мажбурлов

кучи орқали қонунларнинг бажарилишини таъминлайди. Булар: прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати, жиноий жазони ижро этиш муассасалари, армия ва бошқалар.

5.Бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи махсус шахслар гуруҳининг мавжудлиги: Давлат органларида фаолият юритувчи шахслар иш фаолиятида фақатгина бошқарув билан шуғулланади, улар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдилар. Шунингдек, ушбу тоифадаги шахслар давлат ва жамият манфаатлари учун фаолият кўрсатадилар. Масалан, судья судлов жараёнида бирор-бир яқин танишининг ҳуқуқбузарлик содир этган иши бўйича, у шахсга нисбатан қонуний чора кўриш жараёнида, ўзининг шахсий манфаатларини инобатга олиб эмас, балки давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, обектив равишда қонунга асосан ҳукм чиқаради.

6. Ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органларининг ички структурасининг мавжудлиги Давлат бошқарувининг бир меъёрга ишлашини таъминлаш мақсадида давлат органлари, давлат муассасалари ва давлат ташкилотлари биргаликда ҳаракат қилади ва ўз навбатида, улар ички таркибий тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Давлат органлари – давлат бошқарувини амалга оширишда ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат бошқарувининг асосий бўғини. Масалан, прокуратура, суд, ички ишлар органлари ва бошқалар ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органларидир. Давлат ташкилотлари – бевосита ишлаб чиқариш ҳамда таъминот билан шуғулланувчи давлат идораси ҳисобланиб, давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган тамойилларни бажаради. Мазкур ташкилотларнинг асосий қисмини давлат ўз монополиясида қолдиради. Метро, трамвай, троллейбус, электр энергияси, алоқа тизими шулар жумласидандир.

Давлат муассасалари – бу давлат органлари каби ҳокимият ваколатига эга бўлмай, давлатнинг олдида турган умумижтимоий вазифаларни бажарувчи идоралар. Масалан, касалхоналар, маориф, театр ва бошқалар. Ушбу органлар ҳокимият ваколатига эга бўлмаса-да, лекин жамият олдида турган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни бажаради.

Юридик адабиётларда «давлат аппарати» ва «давлат бошқаруви» деган тушунчалар кўп учрайди. Бу тушунчалар, асосан, бир хил мазмунга эга. Лекин «давлат бошқаруви» кенгрок тушунча бўлиб, унга давлат органларидан ташқари давлат аппарати ишини ташкил қиладиган, унга ёрдам берувчи бўлимлар, муассасалар ҳам киради. Уларга таяниб давлат аппарати ўз фаолиятини, давлат бошқарувини амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини давлат органи, деб олсак, Ички ишлар вазирлигининг олий ўқув юртлари, тиббиёт, молия – иқтисод бошқармалари ва шунга ўхшаш вазирликнинг фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берадиган ташкилотлар, унинг муассасалари ҳисобланади. Давлат бошқарувининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши муайян бир раҳбарий ғоялар, яъни принциплар асосида амалга оширилади. Давлат бошқарувининг принциплари уларнинг тўғри фаолият юритишида йўлланма берувчи вазифани ўтайди. Шунингдек, мазкур принциплар давлат аппаратининг ҳаракат доирасини ва мезонини белгилаб беради.

Давлат бошқаруви фаолияти ва уни ташкил этишнинг асосий принциплари:

1.Ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципи. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир.

Давлат бошқарувини куриш муайян обектив тамойиллар асосида амалга ошади, бу эса жамиятни давлат томонидан идора этишнинг самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ваколатлар айна бир одамнинг қўлида ёки айна бир идорада жамланган бўлса, эркинлик мавжуд бўлмайди, зеро, монарх ёки сенат нотўғри қонунлар қабул қилиши ва улардан жоҳилларча фойдаланиши мумкин.

Ҳокимият ваколатларини бўлинишининг бош маъноси–ижтимоий-сиёсий кучлар орасидаги ҳокимият ваколатларининг тақсимланишидир. Бундан мақсад – ҳокимиятни суиистеъмол

қилишнинг имконияти бўлмаслиги, ҳокимиятлар бир-бирларини муайян мувозанатда ушлаб ва чеклаб туришидир.

2.Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги принципи. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан

олиниши принцидан келиб чиққан ҳолда давлат аппарати ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Давлат органларининг ташкил этилишдан асосий мақсади ҳам инсон, унинг манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш ва риоя этишдир. Давлат аппарати ўз фаолиятида турли давлат органларининг норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бирламчи эканлигидан, ҳеч қайси бир орган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зид ҳужжатлар чиқариши мумкин эмаслигини кафолатлайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши эътироф этилган. Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари олий кадрият сифатида тан олинади ва улуғланади.

3.Демократизм принципи. Давлат бошқаруви (аппарати) ташкил этилиши демократик принцип асосида амалга оширилади. Чунки, давлатнинг қонун чиқарувчи органлари халқ томонидан сайлаш орқали ташкил этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат Ўзбекистон халқи томонидан яширин овоз бериш асосида сайланади ва шу демократик тартибда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси шакллантирилади. Худди шу каби Олий Мажлиснинг Юқори палатаси бўлган Сенат ҳам халқ вакилларининг иштирокида ташкил этилади. Сенатдаги мавжуд 100 нафар сенаторнинг 16 нафарини Президент тайинласа, 84 нафарини вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 6 нафардан маҳаллий вакиллик органлари депутатлари йиғилишида сайланади.

Ижро этувчи ҳокимият – Ҳукумат ҳам халқ томонидан сайланган Президент тақдимида биноан Олий Мажлис томонидан ташкил қилинади. Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва Конституциявий судларнинг раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, судялари ҳам Олий Мажлисдаги халқнинг вакиллари бўлган сенаторлар томонидан сайланади.

Давлат бошқаруви (аппарати) халқнинг иштирокида шакллантирилади, халқ ҳокимиятини ифодалайди, у ҳам ўз фаолиятида фақатгина халқ манфаатларига хизмат қилади.

4.Поғонама-поғона бўйсунуш (иерархия) принципи. Иерархия – бир-бирига ўзаро бўйсунувда бўлиш деган маънони англатади. Иерархия – поғонама-поғона, пирамида, ўзаро бўйсунувдаги каби сўзлар билан бир маънони англатади. Поғонама-поғона жойлашиш принципининг мазмунини шундаки, давлат органлари тузилишининг бир шакли бўлиб, юқори давлат органларининг ваколатлари қуйи органларнинг ваколатларига нисбатан кўпроқ бўлади ҳамда улар қуйи органларнинг фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси олий органларининг қарорлари мамлакатнинг бутун ҳудудида қуйи турувчи барча органлар ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойиши Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун мажбурий аҳамиятга эга. Шунингдек, туман ҳокими чиқарган қарорни вилоят ҳокими, вилоят ҳокимининг қарорини Бош вазир бекор қилишга ҳақли.

5.Ошкоралик принципи. Давлат бошқаруви (аппарати)га кирувчи органлар ўз фаолиятини ошкоралик асосида амалга оширадилар. Қонун чиқарувчи орган – парламент фаолияти жараёнида қабул қилинаётган қонунлар лойиҳасини ёки қабул қилган қонунлар матнини оммавий ахборот воситалари орқали халққа эълон қилиниши ҳамда халқни қонунлардан хабардор этилиши ошкоралик ифодасидир. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган фармойиш ва қарорларнинг тўпламларда чоп этилиши ҳамда суд органлари томонидан чиқарилган ҳукмлар (давлат ва оила сири билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно) ва қарорлар ҳақида маълумотлар билан ҳам халқнинг танишиши учун очиқ бўлишидир. Ошкоралик давлат аппарати фаолиятининг асосий мезони бўлиши лозим. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари давлат аппарати фаолияти ҳақида доимий равишда кундалик ахборотларини эълон қилиб туриши, халқнинг жамиятда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотлардан хабардор бўлиб туриши мақсадга мувофиқ саналади.

6.Қонунийлик принципи. Давлат бошқаруви (аппарати)нинг ташкил этилиши қонун йўли билан амалга оширилади. Давлат аппаратининг асосий бўғини бўлган

қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис, ижро этувчи орган – Вазирлар Маҳкамаси ва суд органлари – Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва Конституциявий суд тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси тегишли қонунлари қабул қилинган. Мамлакатимиздаги барча давлат органлари қонун асосида ташкил этилган ва қонун асосида фаолият юритади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра Ўзбекистон Республикасида ноошкора, махфий ва ҳарбий ташкилотлар тузиш тақиқланган. Шунингдек, давлат органлари ўз фаолиятини қонун асосида амалга ошириши шарт. Ҳар қандай давлат органларининг қонунларда белгилаб қўйган ваколатлардан четга чиқиши мумкин эмас.

7.Профессионализм принципи. Давлат аппарати хизматчилари ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб, улар махсус малака ва билимга, етарли тажриба ва амалий ўқувга эга бўлган ходимлар ҳисобланади. Давлат аппаратида хизмат қилаётган ходимлар дастлаб мазкур соҳа бўйича қуйи органларда хизмат қилган, ушбу соҳада бой тажрибага эга бўлган мутахассис ходим бўлиши шарт.

8.Коллегиаллик ва яккабошчиликнинг биргалиги принципи. Давлат аппарати органлари ўз фаолиятини коллегиаллик ва яккабошчилик асосида амалга оширади. Коллегиаллик, яъни жамоавий бошқарув ҳисобланиб, Олий Мажлиснинг қуйи палатаси депутатлари ва юқори палатаси сенаторларининг хизмат фаолиятида яққол кўринади. Чунки ушбу органлар бамаслаҳат, муҳокама тарзида бир-бири билан ҳамкорликда масалани ҳал этадилар. Масалан: Олий Мажлис қонун қабул қилишда баҳамжиҳат иш тутати. Яккаҳокимлик ёки яккабошчилик принципида эса коллегиалликка ўхшаш умумнинг иродаси рўёбга чиқиши эмас, балки хизмат соҳасининг ёки бўлим бошлиғи ўзининг яқдил фикри асосида масалани ҳал қилади. Масалан, Божхона қўмитаси раисининг тегишли масала юзасидан якка тартибда буйруқ чиқариши.

9.Сайланиш ва тайинланишнинг уйғунлиги. Давлат бошқаруви (аппарати)нинг ташкил этилиши сайланиш ва тайинланиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида олий вакиллик идоралари – Қонунчилик палатаси депутатларининг барчаси, Сенат аъзоларининг аксарият қисми, Олий суд идораларининг раис ва ўринбосарлари сайлаш орқали ташкил этилади. Ижро этувчи органларнинг барчаси

тайинлаш тартибида шакллантирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти вазирлар ва ҳокимларни лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Давлат аппарати механизми (аппарати)га кирувчи органлар юқорида қайд этиб ўтилган принциплар асосида ташкил этилади ҳамда улар ўз фаолиятини мазкур принциплар асосида амалга оширадилар. Давлат бошқарувининг дастлабки ва энг муҳим таркибий элементи давлат органидир.

2-бобга доир хулосадар.

Бугунги кунда давлат бошқаруви тамойиллари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини камраб олган. Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиёт турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга давлат бошқаруви тамойиллари ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва давлат бошқаруви тамойилларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим. Шу ўринда давлат бошқаруви тамойилларининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини давлат бошқаруви тамойилларида иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислохот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда демократик жамият куриш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ ўтказилаётган туб ислохотлар ҳақида Президентимиз Ислон Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида шундай дейди: «Мақсадимиз – демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу бизнинг эзгу орзумиздир, стратегиямиздир. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафкурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шундадир»¹.

Бинобарин, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш томон қўйилаётган қадамлар қанчалик тез ва шахдам бўлса эркин фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳалақит берадиган тўсиқлар тезроқ олиб ташланишига имкон туғилади.

Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролар қонунларга муносабатини ўзгартиради. Қонунга ҳурматсизликнинг тугатилиши, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш шаклланаётган фуқаролик жамияти барча цруктуралари ишини такомиллаштиришга олиб келиши муқаррардир.

Бозорнинг иқтисодий муносабатлари, сиёсий ислохотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, плюрализм, кўппартиявийлик, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва шунга ўхшаш тушунчалар, фақат бир атама бўлмасдан, балки ривожланиш йўлидаги конкрет вазифалардир. Бу вазифалар ичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида ўринни эгаллайди.

Тараққиётнинг бугунги босқичи ҳақида ўйлаганда АҚШ, Англия, Франция каби ривожланган мамлакатларда ташкил топган ва ривожланаётган фуқаролик жамиятининг тажрибаси эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги ривожланган давлатлар тажрибаси бизга фуқаролик жамиятини ташкил этиш ҳақидаги қуйидаги хулосаларни беради:

— ҳар бир мамлакатда фуқаролик жамиятига асос бўла оладиган кучли иқтисодий қудратга эга бўлган халқ хўжалигини яратишга эришиш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида – Т.:Ўзбекистон,1995

— сиёсий ва носиёсий соҳаларда чинакам демократик принципларнинг чуқур илдиз отишига йўл очиш ва имкон яратиш;

— демократик Конституция асосида халқ манфаатлари ва жамият эҳтиёжларини ўйлаб ишлаб чиқилган давлат сиёсатини амалга оширишга қодир бўлган ҳокимиятга эга бўлиш;

— цензура билан чекланмаган эркин матбуот бўлиши, яъни кенг информацион муҳит яратишга йўл очиш;

— қучли муҳолифат бўлишига қарамай унинг фаолиятини чегараламаслик, балки у билан сиёсат бобида мулоқотда бўлиш.

Хуллас, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, модернизация жараёнларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўли мураккаб ва сермашаққат бўлса-да, бу кишилиқ олами тараққиёти учун ғоят зарур бўлган ишлардан биридир. Зеро, “Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари” ғояси “Қелажаги буюк Ўзбекистон” ҳақидаги орзуларимизга айнан мос эканлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қонун, қонун ости ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. //Халқ сўзи, 2003 йил 21 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги Конституциявий қонуни. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг «2002 йил 27 январдаги Референдуми яқунлари юзасидан қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори. – Т.: Ўзбекистон, 2002.

2. Президент асарлари

5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
10. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
12. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
13. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.

- 14.Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва ма’рифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
- 15.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 16.Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёт пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 17.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 18.Каримов И.А. Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. – Т.: Шарқ, 1999.
- 19.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
- 20.Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштиришга, ресурслардан самарали фойдаланиш – бизнинг асосий йўналишимиз. //Халқ сўзи, 2002 йил 15 март.
- 21.Каримов И.А. Раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. //Халқ сўзи, 2002 йил 22 феврал.
- 22.Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
- 23.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. -Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

3. Китоблар, дарсликлар, қўлланмалар, рисоалар, мақолалар

- 24.Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун. Масъул муҳаррир Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. – Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
- 25.Левитин Л., Карлайл Д. Ислам Каримов – Президент нового Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
26. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
27. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. – Т.: ИИВ Академияси, 1999.
- 28.Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2001.

29. Саидов А. Фуқаролик жамияти ва сиёсий ислохотлар. //Мулоқот, 2000 йил 5-сон.
30. Саидов А. Фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида. //Халқ сўзи, 2002 йил 11 сентябр.
31. Чориев У. Фуқаролик жамияти истиқболи. //Ҳаёт ва қонун, 1997 йил, 5-сон.
32. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили – Т.:Шарқ, 1999
33. Ўринов С. Фуқаролик жамияти. //Мулоқот, 1992 йил 2-сон.

4. Интернет ресурслари

34. www.ziynet.uz
35. www.lex.uz
36. www.doc.uz
37. www.uza.uz
38. www.mtrk.uz